

**«КЕНГАШЛАРДА
РАИСЛАР САЛМОҒИ КЎПРОҚ
БЎЛИШИ КЕРАК»**

4

**«ОҒИР ХУДУД»
ДЕГАН НОМ
ОРТДА ҚОЛЯПТИ**

9

MaHalla

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА

#39 (2125) | ШАНБА, 30 СЕНТЯБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ



**МАҲАЛЛАДАГИ «БЕШЛИК»
«ЕТТИЛИК»КА АЙЛАНЯПТИ.
ЗАРУРАТИ НИМАДА?**

4

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ
ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ, ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ
БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ»
ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!**

**ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ
ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИЛДИ:**

«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ — 600 000 СЎМ;

«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ — 400 000 СЎМ.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07

**«ҚОҒОЗБОЗЛИК
ЙЎҚОТИЛИШИ
КЎНГЛИМИЗДАГИ
ГАП БЎЛДИ»**



4

**ҲАР КУНИ
ЙЎЛЛАРДА
5 НАФАР ФУҚАРО
ВАФОТ ЭТМОҚДА**



12

**«ВАЗИР
ТАШАББУСИМИЗНИ
ЭЪТИБОРСIZ
ҚОЛДИРМАДИ...»**



14

**МАЖБУРИЙ
МЕҲНАТ
НИМА? ҲАШАР
МАЖБУРИЙМИДИ?**



16

Маҳалладаги «бешлик» «еттилик»ка айланыпти. Зарурати нимада?



**БАНДЛИК, ТАДБИРКОРЛИК
ВА КАСАНАЧИЛИК
ЖАМҒАРМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ
ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА
ТАҚСИМЛАБ БЕРИЛАДИ.
МАБЛАҒНИ ИШЛАТИШ
МАҲАЛЛА ИХТИЁРИДА БЎЛАДИ.
ХОДИМЛАРНИНГ ОЙЛИК
ИШ ҲАҚИ МАҲАЛЛА РАИСИ
ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

Бугун барча муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этишга эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун маҳаллаларга кўплаб ваколатлар, ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат «бешлик тизими» ташкил этилди. Маҳалла жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айланмоқда.

Элмурод ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги бошқарма
бошлиғи.

«Маҳалла бешлиги»нинг ҳар бири қайсидир йўналишга масъул, айна соҳаларда фуқароларга кўмак бермоқда. Хусусан, ҳоким ёрдамчиси — тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар фаоли — аёллар масалалари билан ишлаш, ёшлар етакчиси — йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, профилактика инспектори — маҳалла хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажармоқда. Маҳалла раисига «бешлик»ни ҳудуддаги муаммоларни бартараф этишга йўналтириш, фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ҳамда жазо чораларини қўллаш бўйича тақдимномалар киритиш бўйича ҳуқуқлар берилган.

Қолаверса, маҳалла ходимлари фаолиятини баҳолаш мезони йўқ. «Бешлик» зиммасига жуда кўп вазифалар юклатилган, аниқ иш методикаси ишлаб чиқилмаган. Уларнинг кўп вақти «қоғоз тўлдириш» ва мажлисларга кетяпти.

Бу каби камчиликлар йиғинларнинг фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, айрим ўринларда эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларнинг эътибордан четда қолишига, давлат ёрдамидан фойдалана олмаслигига ҳам олиб келмоқда. Шу боис жорий йилнинг 26 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли ҳаётини яхшилашда маҳалла оддий иштирокчи ёки ижрочи эмас, балки у қарор қабул қиладиган марказга айланишига қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Эндиликда маҳалла бошқаруви янги ёндашувлар асосида ташкил

лари маблағлари ҳар бир маҳаллага тақсимлаб берилади. Яъни, бундан буён маблағни ишлатиш маҳалланинг ўзига, «еттилик» ихтиёрига берилади. Бу — маҳаллага ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Қолаверса, маҳаллада қулай ва электрон иш юритиш йўлга қўйилади. Амалдаги учта платформа — «Онлайн маҳалла»,

ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий хизмат ходимининг ойлик иш ҳақи маҳалла раиси томонидан тасдиқланади. Раислар маҳалла ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўллаш бўйича тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлади.

Бундан ташқари, маҳалла тизимини такомиллаштириш бўйича ташкилий чоралар ҳам кўрилади. Хусусан, Маҳаллаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича республика, вилоят ва туман (шаҳар) кенгашлари жорий этилади. Республика кенгашига Бош вазир, ҳудудий кенгашларга эса ҳокимлар раҳбарлик қилади. Кенгашлар «маҳалла еттилиги» қўйган масалалар бўйича ҳар бир тумanning хусусиятидан, маҳаллаларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб муаммоларга ечим топади, молиявий манбаларини аниқлайди.

Маҳалладаги муаммоли масалаларга ечим топишда илмий асосланган янги ёндашувлар ишлаб чиқилади, бунга илмий ва нодавлат ташкилотлар ҳам жалб қилинади. Юқоридаги тақлифлар асосида соҳанинг ташкилий тузилмаси, ваколатлари ва молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади.

«Маҳалла раиси ҳар ойда «оғирдан енгилига» чиқса бўладими? Энг оғир, эҳтиёжманд оиллага уй-жойларни таъмирлашда ёрдамлашиши ёки ҳокимлар билан бирга-лиқда ипотека кредитини олиб бериши мумкин. Бир ойда битта оиллага ёрдам берсангиз, йилига 12 та, иккитадан бўлса, 24 та оила рози бўлади. Ҳоким ёрдамчиси бир ойда 10 тагина одамни иш билан таъминласа, бунга 9 940 маҳаллага кўпайтирсан, қанча одам бир ойда иш билан таъминланади? Шу боис ижтимоий соҳани барқарор ривожлантириш учун йил охиригача «маҳалла еттилиги» билан ишлашни ўрганамиз. 2024 йилга яхши тизим билан кирамиз. Одамлар рози бўлади. Одамларнинг бизга берган ишончини оқлаймиз десак, бизни битта нарсга кутқаради — садоқат, ватанга муҳаббат ва фидойилик».

«Хотин-қизлар», «Ёшлар портали» ўзаро интеграция қилиниб, ягона тизимда мужассамлаштирилади. «Маҳалла еттилиги»нинг вазифалари аниқ белгилаб берилади. Мисол учун:

- **маҳалла раиси** — эҳтиёжманд оилаларга уй-жойини яхшилашга кўмаклашиш;
- **ҳоким ёрдамчиси** — ишсизларга иш топишга кўмаклашиш;
- **ёшлар етакчиси** — ёшларни спорт, мусиқа ва тўғарақларга жалб этиш;
- **хотин-қизлар фаоли** — аёлларни тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчиликка жалб қилиш;
- **солиқ ходими** — маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш;
- **ижтимоий хизмат ходими** — ёлғиз кекса, ногирон ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш каби аниқ вазифалар билан шуғулланиши лозим.

«Маҳалла еттилиги» ишини мувофиқлаштиришда маҳалла раисларининг ваколатлари кенгайтирилади. Жумладан, ҳоким



Умуман олганда, Президент томонидан билдирилган ташаббуслар маҳалланинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш билан бирга, тизимдаги қатор масалаларни ҳал этиш имконини беради. Жумладан:

биринчидан, маҳалла раиси йиғиннинг ҳақиқий етакчисига айланади. Барча ходимларнинг раислар билан ҳамжиҳатликда ишлаши таъминланади;

иккинчидан, маҳалланинг молиявий имкониятлари ошади. Яъни кимга қандай кўмак бериш кераклиги маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилинади; **учинчидан**, маҳаллада қулай ва электрон иш юритиш тартиби йўлга қўйилади. Яъни маҳалладаги барча маълумотлар тарқоқ ҳолда эмас, ягона битта платформада акс этади.

тўртинчидан, маҳаллани эшитадиган, муаммоларига ечим топадиган, молиявий кўмак берадиган тузилма шакллантирилади.

Юқоридагиларнинг барчаси одамларни қийнаётган масалаларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш имконини беради. Маҳалла раисларининг мавқеини юксалтириб, «еттилик» аъзоларининг ҳамжиҳатликда иш юртишига замин ҳозирлайди.

«Халқни рози қилишимиз учун маҳаллалардаги муаммоларни билиб туришимиз керак. Ҳозирги «бешлик» «еттилик» бўлади. «Еттилик» маҳалладаги вазиятни билиши керак... Агар битта ҳоким ёрдамчиси бир ойда 5 тагина одамни иш билан таъминласа, ёшлар фаоли 5 тагина боланинг дунёқарашини ўзгартирса, худди шундай, аёллар билан ҳам ишланса, улар сони туман миқёсида қанча бўлади? Ўзбекистон тажрибасини, «эшитувчи давлат» деган иборани амалда бажарамиз, десак, бизга тажрибали, фидойи маҳалла раислари керак».

Яқинда масъуллар маҳаллаларга бориб, улардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганди. Таҳлилларга кўра, маҳалладаги «бешлик»нинг ўзаро мувофиқ ишлашида камчиликлар, жуда кўп такрорланишлар бор. «Бешлик» ягона жамоа сифатида ишламаяпти, ҳар бири ўз вазирлигига ҳисобдор. Ҳатто «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» маҳалладаги масъуллар томонидан алоҳида-алоҳида юритиляпти. Кимга қандай ёрдам берилгани, кимлар дафтарларга такроран киритилаётгани ҳақида ягона маълумотлар йўқ.

Шу билан бирга, ижтимоий дафтарлардаги маблағларни тўғри тақсимлашда уларнинг ҳамкорлиги, маҳалла раисининг ўрни билинмаяпти. Оқибатда ижтимоий максатдаги маблағлар баъзан самарасиз йўналтириляпти. Эҳтиёжманд аҳолининг масаласини ҳал қилиш вилоят ва республика идорасига боғланиб қолган.

қилинади. Амалдаги «бешлик»ка солиқчи ва ижтимоий хизмат ходими қўшилиб, биргалиқда ишлайдиган «маҳалла еттилиги» бўлади. Эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилинади.

Шунингдек, Бандлик, Тадбиркорлик ва Касаначилик жамғарма-

«Замон шиддат билан ўзгаришти. Маҳаллани жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантиришимиз зарур. Яна тажриба орттирамыз, яна ўзгартирамыз. Ҳаёт бизни шунга мажбур қияпти. Ҳозирги таҳлиқаларга ечим топамиз, десак, бизнинг ягона йўлимиз — маҳалла, маҳалла, маҳалла ва бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўйини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади».

«Маҳалла назорати» ва «Маҳалла раиси сўрови» институтлари жорий этилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 сентябрдаги тегишли қарори билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қарорга кўра, «маҳалла назорати» ва «маҳалла раиси сўрови» институтлари жорий этилади, ҳар бир фуқаролар йиғини ҳузурида маҳалла раиси раҳбарлигида Маҳалла назорати гуруҳи ташкил қилинади.

Санжар ИСМАТОВ.

Кайд этилганидек, фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади. Фуқаролар йиғини кенгаши, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси — унинг асосий органлари саналади. Юқоридаги Ҳукумат қарорига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари намунавий тузилмаси ҳам янги тартибда тасдиқланди. Эндиликда маҳаллада хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ва ёшлар етакчиси маҳалла раисига бўйсунди. Намунавий тузилмага Маҳалла назорати гуруҳи қилинади.

МАҲАЛЛА НАЗОРАТИ ГУРУҲИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Маҳалла назорати гуруҳи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарорлар, дастурларда жамоатчилик манфаатлари ва фикри ҳисобга олинishi, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган дастурларни бажариш, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш вазифасини бажаради. Шу билан бирга, маҳаллага би-



риктирилган давлат органлари ходимлари томонидан бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қилади.

Тузилма ўзининг асосий вазифа ва функцияларини бажариш учун давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатлар ва сўровлар юборади. Уларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этади. Ижтимоий аҳамиятга эга масалалар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарорлар лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамасини ташкил этади. Ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахборотларини эшитади.

Маҳалла назорати гуруҳи — унинг раҳбари, раҳбар ўринбосари, котиби ва аъзоларидан иборат. Унинг аъзолигига маҳаллада обрў-эътиборли, ижтимоий фаол, бошқаларга ибрат бўладиган, катта ҳаётий тажрибага эга фуқаролар (давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари бундан мустасно), шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади. Гуруҳ аъзоларининг сони чекланмаган.

Мазкур тузилма аъзолари фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан ҳар 5 йилда сайланади. Унга фуқаролар йиғини раиси раҳбарлик қилади. Тузилманинг якуний ҳужжатида баён этилган ахборот,



тавсия ва таклифлар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқиладиган ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади. Гуруҳ ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғинига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) ҳисобот бериб боради.

МАҲАЛЛА РАИСИ СЎРОВИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Маҳалла раиси тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборишга ҳақли. Шу билан бирга, давлат сирлари фуқаролар йиғини раиси сўрови орқали талаб қилиб олинishi мумкин эмас.

Маҳалла раиси сўрови фуқаролар йиғини фаолияти билан боғлиқ



масалалар юзасидангина юборилиши лозим. Фуқаролар йиғини фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий манфаатларни кўзлаб маҳалла раиси сўровини юбориш тақиқланади. Бунда Маҳалла назорати гуруҳи йиғилишида сўров мазмуни бўйича муҳокама ўтказилади, зарур бўлган ҳолларда эса, фуқаролар йиғини кенгашининг муҳокамасига киритиш тавсия этилади. Муҳокама натижалари бўйича мазкур сўровни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади. Шундан сўнг, уч кундан кечиктирмай маҳалла раиси сўрови давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли мансабдор шахсига юборилади.

Маҳалла раиси сўрови давлат органлари ва ташкилотларининг битта мансабдор шахси номига ҳам, бир неча мансабдор шахси номига ҳам юборилиши мумкин. Сўров қисқа, лўнда ва тушунарли тарзда фуқаролар йиғинининг расмий бланкасида расмийлаштирилади ва маҳалла раиси томонидан имзоланади. Сўров қайси мансабдор шахс номига юборилган бўлса, жавоб хати ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифасини бажарувчи томонидан имзоланади ва сўров олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, сўралган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролар йиғини раисига юборилади.

Умуман олганда, «маҳалла назорати» ва «маҳалла раиси сўрови» институтларининг жорий этилиши фуқаролар йиғинининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ваколатини кенгайтиради. Одамларни қийнаётган энг долзарб масалаларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш, бунинг учун тегишли масъуллар олдида аниқ таклиф ва тавсияларни қўйиш имконини беради. Энг муҳими, маҳаллани халқчил, барча келиб дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган масканга айланишига замин ҳозирлайди.

МАЪЛУМОТ

Пахта терими бўйича қанча мурожаат келди?

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ахборот хизмати пахта мавсумида муносиб меҳнат шaroитларини яратиш ва мажбурий меҳнатни олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича ахборот берди.

Кайд этилишича, 1176 қисқа рақамли «Ишонч телефони» ҳамда «Munosibmehnat.uz» телеграмм ботига пахта йиғим-терими даврида меҳнат ҳуқуқлари бузилишига оид жами 191 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан, 11 таси муносиб меҳнат шaroитлари яратилмаганлиги, 13 таси терим пуллари ўз вақтида берилмаётгани, 167 таси 1 кг териладиган пахтанинг нархи тўғрисидаги мурожаатлардир. Мурожаатлар юзасидан ўрганишлар ўтказилиб, уларнинг 4 таси қаноатлантирилди, 177 таси бўйича теримчилар ва фермер хўжаликларига тушунтириш берилди, 10 та мурожаат эса ўз тасдиғини топмади.

Кайд этиш керак, 2023 йил 26 январдаги «Пахта хомашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, 2023 йил ҳосилидан бошлаб, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан пахта хомашёсининг харид нархи ўзаро манфаатли келишув асосида шакллантирилиши белгиланган бўлиб, пахта терими даврида, 1 кг. пахтанинг нархи Терим отряди (теримчи) ва фермер (кластер) ўртасида тузиладиган шартнома асосида белгилаб олиш тавсия этилади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан 2023 йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шaroит яратилиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан Миллий мониторингнинг ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан брифинг ўтказилди.

Айтиш керакки, бир неча йилдан буён пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шaroит яратилиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан Миллий мониторинг ўтказиб келинмокда. Жорий йилда ҳам Миллий мониторинг ўтказиш режалаштирилган бўлиб, у 26 сентябрдан 31 октябргача давом этади.

Мониторинг давомида пахта йиғим-терими ишларида вояга етмаган шахсларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг, бюджет ва нобюджет ташкилотлари ходимларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги юзасидан жамоатчилик назорати амалга оширилади. Теримчилар учун етарли яшаш, дам олиш ва меҳнат шaroитлари яратилгани баҳоланиб, қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун адолатли меҳнат ҳақи тўланиши, меҳнат шартномалари тузилиши назорат қилинади.

Жараёнда камчиликлар аниқланса, уларни жойида бартараф этиш чоралари қўрилади ҳамда мониторинг юзасидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши

курашиш Миллий комиссиясига мунтазам ахборот бериб борилади. Хусусан, пахта тераётган вояга етмаган шахслар аниқланса, уларни зудлик билан даладан олиб чиқиш ва ўқув даргоҳига ёки уйига қайтариш чоралари қўрилади. Худди шундай, мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, улар иш жойларига қайтарилади. Юқоридаги ҳолатлар бўйича Далолатнома тузилади ва айбдор шахсларга нисбатан чора кўриш учун меҳнат инспекциясига юборилади.

Мурожаатларни тезкорлик билан кўриб чиқиш мақсадида 1092 қисқа рақамли «Ишонч телефони», интернет сайтлар, телеграмм ижтимоий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланилади.

НУҚТАИ НАЗАР

«Қоғозбозлик йўқотилиши кўнглимиздаги гап бўлди»

Навоий вилояти марказидан қарийб 110 километр узоклик-
нда жойлашган маҳалламизда 6 та қишлоқ мавжуд бўлиб,
қарийб 2 800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда 4 та
мактаб, 1 та тиббиёт пункти мавжуд. Асосий «драйвер»имиз —
деҳқончилик, чорвачилик. Одамлар шуни ортидан кун кўриб,
рўзгор тебратади.



Эшмуҳаммад САФОЕВ,
Нурота туманидаги
«Бўстон» маҳалласи раиси.

Маҳалламиз янги ташкил
этилган маҳаллалардан бири
бўлиб, шу кунга қадар мактаб
биносидан ажратилган хона-
да фаолият кўрсатиб келар
эдик. Жорий йилда маҳаллий
бюджет маблағлари ҳисоби-
дан 850 миллион сўм сарф-
ланиб, барча қулайликка эга
бўлган янги бино қурилиб,
фойдаланишга топширилди.
Шунингдек, «Ташаббусли
бюджет» лойиҳаси доира-
сида ҳудудимиздаги 16- ва
29-умумтаълим мактаблари-
да 1 миллиард 270 миллион
сўмлик жорий таъмирлаш
ишлари амалга оширилди.

Қишлоқнинг тупроқ кў-
чалари ёзда чанг, қишда эса
лой бўларди. Бу аҳолининг
ҳаракатланиши учун доимо
ноқулайликлар туғдириб кел-
ган. Ёғингарчилик кунларида
кўчаларда умуман юриб бўл-
масди. Бугунги кунда маҳалла
ҳудудидаги ички йўллари
таъмирлаш мақсадида 6,7

километр ички йўлларда
таъмирлаш ишлари олиб
борилди. Жумладан, 4,7 ки-
лометр узунликдаги тупроқ
кўчаларга шағал тўкилди, 2
километри асфальт қилинди.
Натижада чанг ва лой кўча-
ларимиз текисланиб, ҳаракатла-
нишга қулай ҳолатга келти-
рилди. Шунингдек, маҳалла
янги биноси атрофидаги
қарийб 500 квадрат метр
ҳажмдаги майдонга асфальт
ётқизилди. Бу ишлар учун
2,2 миллиард сўм маблағ
йўналтирилди.

Худуддаги аҳолини тоза
ичимлик сув билан таъмин-
лаш мақсадида жорий йилда
Қуниш қишлоғида жойлашган
сув иншооти реконструкция
қилиниб, 3,5 миллиард сўм
мблағ эвазига 10 километр
узунликда янги ичимлик сув
тармоғини тортиш ишлари
амалга оширилмоқда. Шу-
нингдек, маҳаллада икки
дона трансформатор, 276
дона темир бетон устунлари
ўрнатиш ҳамда 8,4 километр
масофадаги электр узатиш
тармоқларини янгидан қу-
риш ишлари олиб борил-

моқда. Ушбу ишлар учун
жами 1 миллиард сўмдан зи-
ёдроқ маблағ йўналтирилган.
Инфратузилма билан
боғлиқ ишлар жадал давом
этмоқда. Келгуси йилда 20
километр масофада ичимлик
сув тармоғини тортиш, электр
симёғочларни алмаштириш
кўзда тутилган. Қолаверса,
маҳалладаги боғча ёшидаги
болаларни таълим билан тў-
лиқ қамраб олиш учун давлат
мактабгача таълим ташкило-
тига эҳтиёж бор. Бу келгуси
йил режасига киритилган.

Яна бир муҳим масала
— маҳалла қишлоқлари тоғ-
ли ҳудудда жойлашган. Ай-
рим қишлоқларда туризмни
ривожлантиришга имконият
етарли. Хусусан, тоғ туризми,
этнотуризм йўналишларини
амалга ошириш мумкин. Шуни
ҳисобга олиб, келгуси йилда
«Туризм қишлоғи» мақомини
олиш учун ҳаракат қилмоқ-
чимиз. Бунинг учун ҳудудда
белгиланган тартиб бўйича
уй-меҳмонхоналар сонини
ошириш, савдо ва хизмат кўр-
сатиш соҳасини ривожланти-
риш, инфратузилмани яхши-
лашни ният қилиб турибмиз.

Шу ўринда бир фикрни
билдирмоқчи эдим. Куни
кеча Президент раслиғидаги
видеоселектор йиғилишида
қатнашдик. Маҳалла ҳаёти,
йиғин раислари ваколатла-
рига доир қатор ташаббуслар
билдирилгани бизни қувон-
тирди. Айниқса, қоғозбозлик
масаласи бизни қийнаб кела-
ётганди. Шу боис давлатимиз
рахбарининг: «Маҳалла раиси
ва унинг жамоаси хонадонлар-
га кириб, одамларнинг муам-
мосини ҳал қилиши керак.
Маҳаллага топшириқ ҳам,
улардан сўров ҳам кўп. Шундай
вазиятда уларни қоғозбозлик
билан чалғитиш қанчалик
тўғри? Муаллимнинг қанча
қоғози бор эди? Йўқ қилдик-ку.
Шифокор қанча қоғозни тўл-
дириши керак эди?.. Ҳамма
қоғозбозликни йўқотадиган
қарор қабул қилинади, ҳамма-
си рақамлашади. Қоғоз умуман
йўқ бўлиши керак маҳалла
таъминотида», — деган фикрлари
айни кўнглимиздаги гап бўл-
ди. Эндиликда маҳалла хо-
дими бор кучини ҳисоботлар,
жадваллар тўлдиришга эмас,
одамлар билан ишлашга,
уларнинг муаммоларини ҳал
этишга қаратади.

КЎЗГУ

Жойларда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонини
жорий этиш бўйича иккинчи босқичда 2023 йилнинг тўртинчи
чорагида 56 та маҳаллада «йўл харитаси» асосида ишлар белгилаб
олинди. Бунда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий соҳа
объектлари ҳолатини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф
этиш, бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга
ёрдам кўрсатиш каби амалий чора-тадбирлар кўзда тутилган.

«Кенгашларда раислар салмоғи кўпроқ бўлиши керак»

Нуратдин ГЕНЖАЕВ,
Элликқалъа туманидаги
«Қаватқалъа» маҳалласи раиси.

Бу борадаги ишлар бизнинг
«Қаватқалъа» маҳалламизни ҳам
четлаб ўтгани йўқ. Маҳалламизда
1 657 нафар фуқаро истиқомат
қилади. Худуддаги 17 та кўчада
324 та хонадон яшайди. Бу ҳудудга
кўчиб келганимизга 50 йил бўлди.
Шу вақт давомида йиғинимизда
инфратузилма билан боғлиқ қатор
муаммолар йиғилиб қолганди. Чекка
ҳудуд эътибордан ҳам четда эди.
Давлатимиз раҳбари ташаббуси
билан қишлоқ аҳолисига шаҳардан
кам бўлмаган қулайликлар яратиш
мақсадида бугун йиғинимизда кенг
кўламдаги ободонлаштириш, қу-
рилиш, таъмирлаш ва бунёдкорлик
ишлари бошлаб юборилди.

Дастлаб маҳаллада уйма-уй
юриб, кўчалар, бинолар, муасса-
саларда хатлов ўтказилди, «йўл
харита»лари тузиб олинди. Хусусан,
бу жараёнда маҳалла ҳудудида
мавжуд фойдаланувдаги автомо-
биль йўлларини жорий таъмирлаш,
шағаллаштириш, ички кўчаларни
асфальтлаш, 5 600 метр узунликдаги
марказий кўчага пиёдалар йўлак-
лари ҳамда тунги ёриткичлар қуриш
белгиланган. Шунингдек, фуқаролар
йиғини биносини таъмирлаш, ички
кўчаларга 3,1 километр ичимлик
сув қувурларини тортиш, 36-сонли
умумтаълим мактабига қарашли
чегара ҳудудига панжара ўрнатиш
ишлари дастур асосида амалга
оширилади. Қолаверса, 36 та хона-
доннинг томларини шиферлаш, 233
та уйларни қайта таъмирлаш, иккита
трансформаторни алмаштириш,
6,7 километрлик электр тармоғини
тортиш, болалар майдончалари ва
мини-стадион барпо этиш, 17 та
кўчадаги ҳар бир хонадонни обо-
донлаштириш, ҳар бир уйнинг ташқи
фасадини замонавий кўринишга
келтириш режалаштирилган.

Бунёдкорлик ишлари доирасида
ҳудуддаги аҳоли саломатлигини
яхшилаш ишлари ҳам эътибордан
четда қолмаяпти. Тадбирлар доира-
сида 710 нафардан ортиқ фуқаро
тиббий текширувдан ўтказилди. 40
нафарига амбулатор шароитда да-
воланиш, 5 нафарига туман тиббиёт
бирлашмасида соғлигини тиклаши
учун йўланма берилди. 82 нафар
фуқарога эса бепул дори-дармонлар



тарқатилди. Шу билан бирга, номли
дафтарларга киритилган фуқаролар
бандлигини таъминлаш, уларга имти-
ёзли кредитлар ажратиш чоралари
кўриляпти.

Маҳалладаги хайрли ташаб-
буслар фақат шу билан тугамайди.
Йиғин фаоллари кўмағида бугун
ўз бизнесини бошлаётган, ишли
бўлаётган, томорқасидан мўл ҳосил
олаётган маҳалладошларимиз кам
эмас. Мисол учун, ҳаракат қилган
инсон кафтдек ердан ҳам яхши-
гина даромад топишини 63 ёшли
Рўзигул Раманова ўз томорқасида
турли қишлоқ хўжалиги маҳсулот-
лари етиштириб исботлаб келмоқда.
Бундай ташаббускорлар ҳар бир
ойлада бор.

Сўнгги йилларда маҳалланинг
жамият ҳаётидаги ўрни ортиб бо-
раётганини ҳисобга олиб, бир қатор
таклифларни илгари сурмоқчи эдим.
Энг аввало, ҳудудга оид ҳар қандай
масалада халқ депутатлари туман
Кенгаши қарори қабул қилиниши
керак. Шу боис Кенгаш таркибида
маҳалла ишининг иссиқ-совуғини
танасидан ўтказган, пастдаги ахвол-
ни ўз кўзи билан кўрган депутатлар
кўпроқ сайланишига урғу қаратиш
керак. Яъни Кенгаш аъзолари тар-
кибида маҳалла раислари сони
салмоқли оширилиши лозим.

Худди шундай, маҳалла раи-
си томонидан халқ депутатлари
маҳаллий Кенгаши мажлисларида
кўрилиши мажбурий бўлган маса-
лаларни киритишнинг самарали
тизимини тезроқ амалиётга жорий
этиш даркор. «Ўзбекистон — 2030»
стратегиясида белгиланган мазкур
норманинг ишлаши раислар вако-
латини, масъулиятини ошириш билан
бирга, йиғинлардаги неча йиллик
муаммоларнинг имкон қадар тезроқ
ҳал бўлишига ҳам замин яратади.

БИЛАСИЗМИ?

«Диний бағрикенглик» кўкрак нишони таъсис этилди

Хукумат қарори (495-
сон, 25.09.2023 й.)
билан «Диний бағри-
кенглик» кўкрак нишони
тўғрисидаги низом тас-
диқланди.

Кўкрак нишони билан атоқли
давлат ва жамоат арбоблари, ди-
ний-ижтимоий соҳадаги раҳбарлар
ва етук уламолар, давлат ташкилотла-
ри ва нодавлат нотижорат ташкилот-
лар ходимлари, халқаро ташкилот-
лар, дипломатик ваколатхоналарнинг
вакиллари, хорижий арбоблар ва
олимлар тақдирланади. Шунингдек,

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги
бўлмаган шахслар ҳам кўкрак нишон
билан тақдирланиши мумкин.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш
бўйича таклифларга номзод ҳақида
қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- номзод ҳақида маълумотнома;
- номзоднинг шахсини тасдиқлов-
чи ҳужжат нусхаси (фуқаролик па-

спортаи ёки ID-карта);

• номзоднинг сўнги 3 йил даво-
мида диний-маърифий соҳанинг сама-
радорлигини ошириш, фуқароларнинг
виждон эркинлиги кафолатларини
таъминлаш, динлараро ва конфес-
сиялараро тотувлик ва бағрикенглик-
ни мустаҳкамлаш борасида амалга
оширган ишлари акс эттирилган

тавсифнома.

Кўкрак нишони ҳар йили 16
ноябрь – Халқаро бағрикенглик
куни арафасида тантанали тарзда
топширилади.

Кўкрак нишони билан тақдирлан-
ганларга БҲМнинг 4 баравари (1 млн.
320 минг сўм) миқдоридан бир йўла
тўланадиган пул мукофоти берилади.



Ишлаб чиқариш кенгайса, ишсизлар камаяди

Маҳалламизда 3 620 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2022 йилда йиғинда «Обод маҳалла» дастури асосида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди.

Комилжон ИБРАГИМОВ, Янги Наманган туманидаги «Шербулоқ» маҳалласи раиси.



Хусусан, давлат бюджети ҳисобидан ажратилган 30 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига йўл солаш, сув тортиш ва ижтимоий соҳа объектларини қайта таъмирлаш ишлари бажарилди. Маҳалланинг 846 та хонадони илк бор ичимлик сув билан таъминланди, 94 хонадонда сув таъминоти яхшиланди. Дастур бўйича 23 километр, унга қўшимча равишда 14 километр

сув тармоғи тортилди. Маҳалланинг асосий кўчасидаги 2 километр йўл асфальтланди. Ички йўлларнинг 9 км. қисмида бетон ва асфальтлаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, ҳудудда ҳоким ёрдамчиси Мурод Ғаниевнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хунармандчилик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, аҳоли бандлигини таъминлашда яхши кўрсаткичларга эришилди. Президентнинг «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида «Истикбол логистика инвест» МЧЖ 300 миллион сўм кредит олиб, 10 та янги иш ўрни яратди.

Бундан ташқари, маҳалладаги йирик тадбиркорлар ҳисобига аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Мисол учун, «Мерамед фарм» ва «Ностандарт» каби тадбиркорлик субъектлари бугунги кунда нафақат ички бозорда, балки халқаро даражада ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Маҳсулотлари хорижга экспорт қилинмоқда. «Мерамед фарм» масъулияти чекланган жамияти дори маҳсулотларини, «Ностандарт» корхонаси эса сантехника маҳсулотлари, пластик ҳамда темир қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ҳозирда ҳар икки корхона ҳисобига яна 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижасида ишсизлар бандлиги таъминланмоқда. Ҳозирда маҳалламизда деярли ишсиз фуқаро қолмади.

БИЛАСИЗМИ?


Энергетик ичимликлар рекламасига қўйилган талаблар

«Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунига кўра, энергетик ичимликларнинг рекламасида, ҳар бир ҳолда, бундай ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги огоҳлантириш, шунингдек бундай ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот мавжуд бўлиши керак.

Энергетик ичимликларнинг рекламаси: энергетик ичимликларни истеъмол қилиш жараёнида спортда ютуқларга эришган инсонларнинг тасвирини ўз ичига олмаслиги; энергетик ичимликларни истеъмол қилиш рекламалардан фойдаланувчиларнинг ижтимоий ва спортга оид муваффақиятга эришиши ёки жисмоний ҳамда руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга деган таассуротни юзага келтирмаслиги керак.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Абдужалол РИЗАЕВ, Самарқанд туманидаги «Кавчином» маҳалласи раиси.



хусусий боғчаларга қатнаса, тўловдан озод қилинадими? Яъни бу имтиёз хусусий боғчаларга ҳам амал қиладими?

— Маълумки, маҳалладаги эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан турли имтиёзлар яратилган. Жумладан, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оила фарзандлари мактабгача таълим муассасалари бадал тўловидан озод қилинган. Айтилган, шундай тоифадаги оилалар боласи

Хусусий боғчалар имтиёздан фойдалана оладими?



Мавлуда АСҚАРХЎЖАЕВА, Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигининг мактабгача таълим агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган бир қатор оила фарзандларига имтиёзлар яратилган. Хусусан, хусусий боғча ва мактабга фарзандини берган ота-оналарга энгилликлар яратиш белгиланган. Унга кўра, хусусий мактаб ва боғчалар учун ойлик 3 миллион сўмгача тўловдан даромад солиғи олинмайди.

Аммо болаларга боғча пулини тўлашдан озод қилиниши фақат давлат мактабгача таълим муассасаларида назарда тутилган. Бунда ҳам боғчада болалар умумий сонининг 15 фоизи доирасида кам таъминланган оилалар фарзандлари тўловдан озод қилинади. Биринчи навбатда ота-оналаридан бири ёки иккаласи I ёхуд II гуруҳ ногиронлиги бўлган кам таъминланган оила фарзандларига, шунингдек, ўртача ойлик жами даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оила фарзандларига имтиёз берилади. Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати маҳалла томонидан берилган оиланинг мулкый аҳволи тўғрисида маълумотномага ва тегишли боғча ота-оналар қўмитасининг ҳулосасига асосан аниқланади ва шакллантирилади.

Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати ҳар ўқув йилининг 25

сентябрь кунига қадар тасдиқланади. Рўйхатга кирмай қолган, шунингдек, йил давомида аниқланган кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳисобидан захира шакллантирилади. Тўловдан озод қилинган болаларнинг боғчага қатнаши тўхтатилиши натижасида бўшаб қолган ўринлар мазкур захирадан тўлдириб борилади.

Шунингдек, оилавий НМТТларда ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандлари ва махсус контингентлар учун ота-оналар тўлови шу жойдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган ҳажмлардан ошмайдиган миқдорларда ўрнатилади. Боқувчисини йўқотган аёллар фарзандларига бепул таълим-тарбия берилади.

Фарзанди давлат-хусусий шерикчилик асосида фаолият юритадиган мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбия олаётган боқувчисини йўқотган аёлларнинг ота-оналар тўловни қоплаш учун тегишли ҳудуддаги 9 соатлик иш режимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган миқдорларда, олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ДХШ асосидаги МТТда (оилавий МТТлар бундан мустасно) «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ёки «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг ҳар бир тарбияланувчи фарзандлари учун мазкур дафтарлар жамғармалари ҳисобидан давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 25 фоизи миқдоридан субсидия тўланади.

ТАЖРИБА

«Драйвер»имиз — деҳқончилик, аммо оқова сув йўқ...»



Маҳалламиз ҳудудида 640 та ҳўжалик, 1 038 та оила, жами 3 525 нафар аҳоли яшайди. 2022 йилда «Обод маҳалла» дастури доирасида республика бюджетидан жами 11 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Ҳасанбой ҲАЙДАРОВ, Ёзёвон туманидаги «Юқори» маҳалласи раиси.

Ушбу маблағлар ҳисобига Иқбол кўчасининг 700 метр қисми асфальтланди, Истиқбол кўчасида 1 км. бетон-асфальт, 300 метр асфальт, Тадбиркор кўчасида 1 км. бетон-асфальт, Соҳил бўйи кўчасида 600 метр асфальт ҳамда 400 метр шағал ётқизиш ишлари амалга оширилди. Насаф кўчасида 400 метр, Тараққиёт, Табассум ҳамда Роҳат кўчаларидаги эски йўллар капитал таъмирдан чиқарилди. Мустақиллик кўчасида 500 метр пиёдалар йўлакчаси ташкил этилиб, 52 дона ёритиш чироқлари ўрнатилди. Зиёратгоҳ кўчасида 900 метр шағаллаш ишлари олиб борилиши натижада ҳудудда 100 фоиз шағаллаштириш якунланди.

Ҳудуддаги 16- ҳамда 17-мактабда 1

млрд. сўмлик, 22-МТТда 1 млрд. сўмлик, ҚВП да 400 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мурожаатлар асосида қишлоқ врачлик пункти янги мақомда қайта тикланиб, иш бошлади. Йил давомида кўчаларда эскириб қолган симёғочлар ўрнига 200 дан зиёд таянч устунлар ўрнатилиб, 2 км.дан ортиқ масофада электр симлари янгиланди ҳамда Соҳил бўйи, Иқбол кўчаларига трансформатор ўрнатилди. Дастур асосида аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, газ баллонлари тарқатилди.

Жорий йилда ободонлаштириш ишлари жадал давом этди. Жумладан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Зиёратгоҳ кўчасидан оқиб ўтувчи зовурнинг 3,5 км. қисми тозалаб берилди. Натижада хонадонлардаги зах сувлар бартараф этилиб, уйларнинг шўрлаши, захлашининг олди олинди. Жами 60 та хонадонда эндиликда томорқалардан юқори ҳосил олинмоқда.

Ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш борасида ҳоким ёрдамчиси Аббос Мамадалиев ҳамкорлигида режали иш олиб бориляпти. Хатловда аниқланган 80 нафар ишсизнинг 40 нафарига ер бердик.

Натижада улар ўзини ўзи банд қилди. Қолганларни хусусий корхоналарга ишга жойлаштиряпмиз. Ҳозирда ҳудудда 22 та тадбиркорлик субъекти иш олиб бораётган бўлса, уларда 100 нафарга яқин аҳоли бандлиги таъминланган.

Ҳудудимизда «Қорисоқий ота» зиёратгоҳи бор. Аввал бу ер жуда гавжум эди. Кейинги пайтда одамлар келмай қолди. Шу зиёратгоҳни яна аввалгидек ҳолатга келтириш ҳаракатидамиз. Бундан ташқари, маҳалламиздаги ичимлик сув тармоғи 2013 йилда тортилган бўлиб, бугун яроқсиз ҳолга келиб қолди. Ҳозирда шу тармоқни янгилаш бўйича лойиҳа тайёрлаганмиз.

Кейинги муаммо — оқова сув таъминоти билан боғлиқ. Асосий «драйвер»имиз иссиқхонада лимон етиштириш, деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган бўлса-да, аҳолимиз экинларни суғориш учун зах сувдан фойдаланади. Бу эса ҳосилдорликни пасайтирмақда. Шу сабабли 3,5 км. масофага кўтарма ариқ ётқизиш орқали сув олиб келмоқчимиз. Бунинг учун ишчи кучи ва маблағ масаласини ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга таклиф киритганмиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Илҳомжон ҲАСАНОВ, Ёзёвон туманидаги «Чўлгулистон» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда яшовчи бир фуқаро 2 нафар вояга етмаган фарзанди учун 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга бериладиган нафақа пули олиб келади. Яқинда учинчи фарзанди туғилди. Энди учинчи фарзандига ҳам қўшимча равишда 2 ёшгача болаларга бериладиган нафақа олса бўладими?

2 ёшгача бола пули олса бўладими?

М.РАЗЗОҚОВ, Пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи ўринбосари:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги «**Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 4-бандига кўра, болалар нафақаси оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб тайинланади. Бунда болалар нафақаси 12 ой муддатга белгиланиб, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича ўн саккиз ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 35-бандига асосан, болалар нафақаси тайинланган оилада болалар сони ўзгарган тақдирда (**набатдаги бола туғилганда, 18 ёшгача болалардан бири вафот этганда, бола (болалар) 3 ёшга ва 18 ёшга тўлганда ва шу кабилар**), болалар нафақаси миқдори болаларнинг тегишли сонидан келиб чиқиб, кейинги ойдан бошлаб қайта ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги «**Қам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги фармонида мувофиқ, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб болалар нафақаси тўловларининг ҳар ойлик миқдори қуйидагича белгиланган:

250 000 сўм — 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун, 325 000 сўм — ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;

150 000 сўм — оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;

100 000 сўмдан — оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун.

Ушбу ҳолатда фуқаро 2 ёшгача болалар нафақаси олса бўлади ва унинг фарзандлари учун бериладиган болалар нафақаси миқдори юқоридаги тартибда қайта ҳисобланади.

БИЛАСИЗМИ?

Апелляция шикоятини бериш муддати қисқартирилди

Президент томонидан имзоланган Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, Кодекс қуйидаги боблар билан тўлдирилди:

Ҳукмларнинг, ажримларнинг, қарорларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текширишнинг умумий шартлари (55-боб);

Суднинг ҳукми, ажрими устидан тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш (56-2-боб).

Шунга мувофиқ:

Суд ҳукмлари, ажримлари, қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги апелляция, кассация ва тафтиш тартибида текширилиши мумкин.

Жиноят ишини апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўришда прокурор иштирок этади.

Суд жиноят ишини апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўришда шикоят ёки протест важлари билан чегараланмайди ва ишни барча маҳкумларга, шу жумладан тегишли шикоятни бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят (протест) берилмаган

маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари, шунингдек апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш тартибида судларининг ҳукмлари, ажримлари устидан тафтиш тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Агар шикоятда ёки протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги ҳақидаги,

жазони кучайтириш тўғрисидаги ёки маҳкумнинг аҳоли ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгаришлар ҳақидаги масала қўйилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёхуд ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга, шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга фақат у қонуний кучга кирганидан кейин 1 йил ичида йўл қўйилади.

Ҳукм чиқарган суд жиноят иши тафтиш инстанцияси судига юборилганлиги тўғрисида тегишли

шахсларни 3 сутка ичида хабардор қилади.

Қонун билан шунингдек, ҳукм устидан апелляция шикоятларини (протестларини) бериш муддатлари 20 суткадан 10 суткага қисқартирилди.

Шунингдек, суд ҳукми, ажримини ва қарорини ижро этиш чоғида юзага келган масалаларни ҳал қилиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдириш тартиби белгиланди.

Қонун 2024 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

ОБОДЛИК

«Ғолиб бўлмадик, аммо умидни ҳам узмадик...»

Маҳалламиз иккита кўп қаватли ва 1 048 та ҳовли уйлардан ташкил топган бўлиб, жами 3 656 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йиғинда ўтган йили «Обод маҳалла» дастури доирасида бир қанча ишлар амалга оширилиб, ҳудуд файзли гўшага айлантирилди.

Насиба АТАХОНОВА,
Кармана туманидаги
«Арғун» маҳалласи раиси.

Маҳалламиз савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, барча фуқаролар айна тармоқларда банд. Шу боис маҳаллада ишсизлар сони мавжуд эмас. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган 73 нафар фуқарога 2 млрд. 338 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бу билан 22 та бўш иш ўринлари яратилиб, фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Жумладан, Арғин шоҳ кўчасида истиқомат қилувчи Жамшид Қамбаров 85 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига «Asl Arg'un mebel» хусусий мебель ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш орқали 3 нафар фуқарони

ишли қилди. Шунингдек, Мақсуда Ёрматова 66 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига тикув машинаси олиб, чеварчилик фаолиятини йўлга қўйди, ишсиз юрган 8 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади. Яна 15 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз имтиёзли кредит эвазига тикув машиналари олиб, ўз уйида оилавий чеварчилик фаолиятини йўлга қўйган.

Бундан ташқари, йиғинимиз инфратузилмасини яхшилаш борасида ҳам қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таъмирталаб ички йўлларнинг 2 километrigа асфальт ётқизилди. Аҳоли йўллардан қулай фойдаланиши учун ҳудди шунча масофада пиёдалар йўлакчалари ташкил этилди. Йўл ёқаларидаги ариқлар таъмирланиб, латоклар ётқизилди. Шунингдек, ҳудуддаги иккита кўчани боғловчи кўприк қурилга-



нига анча йил бўлганди, шу боис у яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Бунёдкорлик ишлари доирасида кўприк бузиб ташланиб, ўрнига 6 метр кенликда замонавий кўприк қуриб берилди. Одамларнинг узоғи яқин қилинди. Аҳоли энди бемалол кўприкдан беҳавотир фойдаланишади.

Хали олдимизда турган режаларимиз бисёр. Маҳалладаги ички йўлларнинг таъмирталаб қисмини асфальтлаш лойиҳасини «Ташаббусли бюджет»га киритган эдик. Аммо ғолиб бўла олмадик. Озгина овоз етмай қолди. Шундан сўнг, маҳалладаги ташаббускорлар ва нуронийлар билан келишган ҳолда, «Ташаббусли бюджет»-нинг келгуси йилдаги мавсумига йўлларимизнинг қолган қисмини асфальтлаш, ҳудуддаги вазифасини ўтаб бўлган симёғочларни янгисига алмаштириш ва иккита янги катта кучланишга эга трансформатор ўрнатиш лойиҳаларини киритмоқчимиз. Муаммоларимизни шу орқали ҳал қилишни режалаштириб турибмиз.

ЭЪТИБОР

Савоб ишни ҳар ким қилиши керак

Ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келгач, унинг яхши кунларини, тўйларини кўришни истайди. Шундай қувончли кунлар учун топганини тежаб-тергаб йиғинади, элга ош беришни ният қилади. Бироқ айрим ҳолларда қўли калталиқ, эҳтиёжмандлик туфайли чорасиз қоладиган ҳолатлар ҳам бўлади. Бундай пайтда эса уларни давлат қўллаб-қувватлайди, ғамхўрлик кўрсатади.



Ана шундай файзли кунлардан бири Китоб туманида ташкил этилди. «Соғлом авлод учун» хайрия фонди туман таянч маскани ташаббуси билан ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларидан 25 нафарининг хатна тўйлари ўтказиб берилди.

Тантанали тадбирда туман сектор раҳбарлари, нуронийлар, маҳалла фаоллари ҳамда жажжи болажонларнинг ота-оналари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар тўй болалар келгусида халқимизга, Ватанимизга хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб камолга етишига, билимли, ташаббускор ёшлар сафидан жой олишига тилак билдиришди.

Шу кун ота-оналарнинг қувончи чексиз, тўй бола либосидаги фарзанднинг кулгисини бутун дунё эшитгандай гўё. Суннат тўйи ўзига хос, миллий анъаналаримиз асосида ўтказилгани, айниқса, тўй

болалар ва уларнинг ота-оналари қалбига қувонч ҳадя этди, табрик ва қўтловлардан барча беҳад мамнун бўлди.

— Имкониятимиз йўқлиги учун фарзандим Муҳаммадзокирнинг хатна тўйини ўтказа олмаётган эдик, — дейди Китоб туманидаги «Эзгулик» маҳалласида яшовчи Дурдона Тўрабоева. — Ҳукумати-мизга, туман раҳбарларига раҳмат. Фарзандим қатори яна 24 нафар боланинг суннат тўйини ўтказиб бермоқда. Кўрсатилган ғамхўрликдан беҳад хурсандман. Бундай эътиборни келгусида фарзандим ўқиши, билими, етук кадр сифатида камолга етиб, Ватанга хизмати билан қайтаради, албатта.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ҳам улашилди. Туман маданият бўлими ходимларининг куй-қўшиқлари эса даврага ўзгача фойз бағишлади.

ВАЗИЯТ



«Тадбиркор маҳалла» номини олганмиз»

Маҳалламиз аҳолиси уч минг нафардан зиёд. Йиғинимиз майдони катта ва аҳоли сони кўп. Аммо тадбиркорлик, деҳқончилик яхши ривожланган. Аҳолининг деярли 70 фоизи тадбиркорлик билан шуғулланади. Ишсиз аҳоли ҳам имтиёзли кредитлар асосида тадбиркорликка йўналтирилмоқда, шу орқали бандлиги таъминланаяпти.

Мунира ТЎЛАЕВА,
Паркент туманидаги
«Кичиккўрғон» маҳалласи
раиси.

Йиғинимиз туман марка-зидан узоқроқда жойлашган бўлишига қарамай, аҳоли ўзига қулай шароит яратишга интилади. Ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари бугунга қадар 12 тага кўпайиб, аҳолини иш билан таъминлаш ҳажми ошди. Жумладан, 25 нафар фуқарога 829 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, 50 та янги иш ўринлари яратилди. Мисол учун, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида Кичиккўрғон кўчасида истиқомат қилувчи Имом Ҳикматов, шунингдек яна 5 нафар хотин-қиз имтиёзли кредитлар асосида тикув машинаси олиб,

оилавий чеварчилик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Бу билан улар кунлик 100-200 минг сўм даромад кўрмоқда. Яна 4 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож фуқарога субсидия асосида турли асбоб-ускуналар олиб берилиб, бандлиги таъминланди.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг барчасига амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 11 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди, 5 нафари ўзини ўзи банд қилди, 61 нафарига «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан 1 200 000 сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилди. «Ёшлар дафтари»даги 2 нафар ёшнинг контракт пуллари тўлаб берилди, 11 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Яна 2 нафарига субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди.

Президентнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 2,5 километр ички йўлларга асфальт ётқизилди. Аҳолининг йўллари раvon ва машаққати камайди. Шунингдек, ичимлик сув етиб бормаган кўчаларга 3 километр масофада сув қувурлари ётқизилиб, хонадонларга оби-хаёт кириб борди. Туризм дастури доирасида маҳалла ҳудудидан ўтувчи катта аҳамиятга эга йўл ҳамда Кўхунур кўчасининг 6 километrigа асфальт ётқизилди.

Умуман олганда, аҳолининг кўпчилиги тадбиркорлик ортидан кун кўради. Шунинг учун бўлса керак, туманда «тадбиркор маҳалла» номини олганмиз. Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳудудда тадбиркорлик субъектларини кўпайтириб, аҳолининг маҳалладан чиқмаган ҳолда даромад топишини мақсад қилганмиз.

Тоғли қишлоқ ўзгаришлари ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ

Маҳалламизда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари жорий этилиб, одамларнинг муносиб турмуш кечириши учун барча шароит яратилаётир. Қурилиш-ободонлаштириш ишлари маҳалла қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳолининг неча йиллик муаммоларини аритмоқда.

Ҳикматилла МАҲМУДОВ,
Бойсун туманидаги
«Дуоба» маҳалласи раиси.

«Дуоба» — осмонўпар тоғлар бағридаги сўлим гўша. Бойсун тумани марказидан 35 километр олисда, денгиз сатҳидан 2 000 метр баландликда жойлашган. Дуоба, Гумматак ва Қайроқ кичик қишлоқларидан иборат маҳалладаги 553 та оилада 2 519 нафар аҳоли яшайди. Одамларнинг асосий тирикчилиги — чорвачилик ва деҳқончилик. Деярли барча хонадонларда чорва моллари бор. Йиллар давомида зарур инфратузилмага эга бўлмаган тоғли қишлоқ одамлари йўлларнинг тор ва нотекислиги, баҳор фаслида сойларда сел келиши, таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳа муассасаларидаги ҳаминқадар шароитлардан, электр энергияси ва суюлтирилган газ таъминотидаги узилишлардан, қиш фаслида йўллар қор билан қопланиб, транспорт ҳаракати чекланишидан азият чекиб, яшаётган эди. Президент ташаббуси тоғли ва чекка қишлоқ одамлари ҳаётига янги мазмун олиб кирди.

Ҳозирда маҳалламизга олиб



боровчи йўлда йирик ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Кўчалар ва ариқлар, тураржой бинолари, ижтимоий соҳа объектлари атрофи тартибга келтирилиб, ободонлаштирилмоқда. Хусусан, 40 километр йўллар қайта реконструкция қилин-япти. Ҳозиргача уларнинг 34 километр қисмида ишлар якунланди. «Дуоба», «Деҳқола», «Ўрмончи» ва «Деҳқола» маҳаллалари аҳо-

лиси учун Қайроқ дарёси устидан ўтувчи кўприк қайта қурилмоқда. 58-умумтаълим мактаби учун 80 ўринли қўшимча бино барпо этилди. Шу билан бирга, 17-мактаб учун 180 ўринли янги бинолар қуриляпти. Қунига 50 қатнов ва 25 стационар ўринга эга қишлоқ шифохонаси қурилиб, маҳалла идораси қайта таъмирланмоқда. 180 ўринли янги мактаб, ҳудуддаги бешта маҳалла учун суюлтирилган



газ баллонларини йиғиш ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчаси қад ростламоқда. Электр симёғочлари янғисига алмаштирилиб, трансформаторлар янгиланмоқда.

Албатта, баланд тоғлар қўнидаги қишлоқларда бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун йирик миқдордаги маблағ сарфланмоқда. Жумладан, кўприк учун 4,5 миллиард сўм, 180 ўринли мактаб ва қишлоқ шифохонаси

учун 4,5 миллиард сўмдан ор-тиқ маблағ сарфланмоқда. Йўл инфратузилмасини яхшилашга 5 миллиард сўм йўналтирилган. 58-мактабнинг қўшимча биносини қуришга 1 миллиард 200 миллион сўм ҳаражат қилинаётир. Кўчаларни ободонлаштириш, электр таъминотини яхшилаш каби ишлар билан қўшиб ҳисоблаганда, маҳалла аҳолининг яшаш тарзини тубдан яхшилаш учун 20 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланяпти. Бундай ўзгаришлар олис тоғ қишлоқлари аҳолисининг эртанги кўни янада фаровон, тўкин бўлишига ишонч туйғусини оширмоқда.

Маҳалладаги бунёдкорлик ишлари ҳозир авж палласида. Юқоридаги ишлар якунланиши билан яна 11 километр масофада ичимлик сувни тортиш кўзда тутилган. Бу билан йиғидаги барча хонадонлар тўлиқ сув билан таъминланади. Қолаверса, 1 километр масофада тунги ёритиш чироқлари ўрнатилади. Мактабимиз ёнида ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун мини-стадион барпо этилиши режалаштирилган.

Очиғи, ҳудудимизда юз бераётган бундай янгиланишларни одамларимиз, кексаларимиз бир умр орзу қилишган. Боиси яқин йилларда ҳам туман марказига бормоқчи бўлсак, йўллар носозлиги учун от-уловдан фойдаланишга мажбур бўлар эдик. Қишнинг қорли кунлари ва баҳорги сел тошқинлари ҳам жиддий қийинчиликлар туғдирар эди. Эндиликда бу қийинчиликлар ортда қоладиган бўлди. Нафақат йўлимиз, балки ички кўчалар ҳам тубдан таъмирланиб, ёш кекса учун етарли қулайлик яратилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда инсон қадр-қимматини эъзозлаб, барчанинг бирдек яшаши учун кўрсатилаётган бекиёс ғамхўрликлар самарасидир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ногиронлиги бўлган шахсга мос лавозим бўлмаса...

Илғор РАҲМАТОВ, Шаҳрисабз туманидаги «Мевазор» маҳалласи раиси:

— Маҳалладошимиз электр монтажчи бўлиб ишлайди, яқинда унга ТИЭК қарори билан II гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Қарор билан у ишлаётган корхонага ходимни бошқа ишга ўтказиш тавсия этилди. Аммо ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли корхонада бошқа иш йўқ экан. Айтингчи, бу вазиятда иш берувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун штат бирлигини яратишга мажбурми? Ёки бўлмаса, ходимни ишдан бўшатиши мумкинми?

Ленара ҲИҚМАТОВА,
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос:



— Агар корхонада ногиронлиги бўлган ходим учун мос лавозим бўлмаса ва корхонага муҳтож шахслар учун иш жойларини захиралаш талаб қилинмаса, бундай лавозимни махсус яратиш шарт эмас.

Меҳнат кодексининг 96-моддасига кўра, ходимларнинг ўртача сони камида 20 киши бўлган ташкилот туман, шаҳар ҳокимининг

қарорига кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиганлар учун маълум миқдорда иш жойларини захиралаши керак. Бундай муҳтож тоифаларга ногиронлиги бўлган шахслар ҳам киритилади. Иш берувчиларнинг тартиби ва мажбуриятлари Ҳукуматнинг махсус Низоми билан тартибга солинган.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиянинг ҳулосасига кўра, ходимнинг соғлиғи ҳолати эгаллаб турган лавозими бўйича касбий вазифаларини бажаришга монелик қилса, яъни у Меҳнат кодексининг 168-моддасига асосан, бутунлай меҳнатга лаёқатсиз деб тан олинса, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишга мажбур.

Ўз-ўзидан тиббий ҳулоса билан тасдиқланган ходим соғлиғининг ёмонлашиши, шу жумладан, ноги-

ронлик, агар ходим топширилган ишни эплайётган бўлса, кодексга асосан, меҳнат шартномасини бекор қилиш учун етарли сабаб саналмайди. Тиббий ҳулосада «меҳнатга қобилиятсиз» деб аниқ кўрсатилиши керак. Агар ҳужжатда ходим қисман меҳнатга лаёқатлилиги келтирилган бўлса ва соғлиғи ҳолатига кўра унга қарши кўрсатилмаган ишни бажара олса, унга бундай ишни таклиф қилиш мумкин.

Агар ходим ўтказишдан бош тортса ёки корхонада муносиб иш бўлмаса, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин. Ходимнинг маълум бир ишни бажаришини таққиловчи тиббий маълумотнома иш берувчи учун мажбурийдир. Фақат унинг асосида иш берувчи тегишли қарорлар қабул қилиши: ходимга тиббий тавсиялар бўйича мос келадиган бошқа ишни таклиф қилиши, ходим ўтказишдан бош тортган ёки бундай иш бўлмаган тақдирда эса меҳнат муносабатларини бекор қилиши мумкин.

Қонунчиликда агар меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин вақт ўтиши билан у меҳнатга лаёқатли деб тан олинган бўлса, иш берувчининг ходимни қайта ишга қабул қилиш мажбурияти назарда тутилмаган.

БИЛАСИЗМИ?

Боғча учун ажратилган кредитларнинг имтиёзли муддати узайтирилди

«Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори (ПҚ-316-сон, 27.09.2023 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, тадбиркорларга, уларнинг хоҳишига кўра, 2018–2022 йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун тузилган битимларга мувофиқ ажратилган имтиёзли кредитлар бўйича имтиёзли давр муддати 2024 йил 1 октябргача узайтиришга рухсат этилди.

Бунда:

- имтиёзли давр давомида тадбиркорлар томонидан кредит бўйича фақат фоиз тўловлари амалга оширилади;
- имтиёзли даврда тўланиши лозим бўлган асосий қарз бўйича тўловлар кредит даврининг қолган қисмига тенг миқдорда тақсимланади.

Давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар лойиҳа ташаббускорларига қуйидаги табақалаштирилган фоиз ставкаларида ва шартларда ажратилади:

- Тошкент шаҳрида – 10 йил муддатга, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 12 фоиз ставка бўйича;
- Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – 10 йил муддатга, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 8 фоиз ставка бўйича;
- туманларда – 10 йил муддатга, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставка бўйича.

«Оғир ҳудуд» деган ном ордта қоляпти

Давлатимиз раҳбари топириғига асосан, Сирдарё вилоятида ҳам «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий қилиш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Дастурга мувофиқ, Ховос туманидаги «Оқчангал», Гулистон туманидаги «Иноқлик», Сайхунобод туманидаги «Янги ҳаёт» ҳамда Оқолтин туманидаги «Мустақиллик» маҳаллалари «оғир ҳудуд» сифатида белгилаб олинган.

Назира МАҲКАМОВА,
Маҳалла институтини
ривожлантириш ва жамоатчилик
назоратини ташкил этиш бўлими
бошлиғи.

Ушбу ҳудудлар аҳолисини ўйлантириб келаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи вакиллари уйма-уй юриб ўрганишлар олиб борди. Утган қисқа муддатда аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қатор ижобий ишлар қилинди. Жумладан, маҳаллалардаги ижтимоий инфратузилмани яхшилаш борасида 19 километрдан зиёд ички йўлларга асфальт ётқизилди. Айни вақтгача 345 та эски ёғоч электр устунлар темир-бетон устунларга алмаштирилди, 7 километрга яқин электр сим тармоқлари тортилди, 7 донна трансформатор ўрнатилди.

Табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида 1 километр газ тармоғи қурилиб, 900 метр қувурлар жорий таъмирланди. Фуқаролар мурожаати асосида ҳудудларга 600 га яқин қўшимча суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди. «Обод кўча» мезони бўйича бугунги кунда ушбу маҳаллалардаги 31 та кўчаларда ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилиб, бунинг учун 550 нафар ишчи ва 75 та техника жалб этилди. Ҳудудлардаги барча қабристонларда ободонлаштириш, мавжуд дархтларга

шакл бериб, деворларни оқлаш ишлари олиб борилмоқда. Оғир шароитда яшаётган 22 та оила хонадони тўлиқ таъмирланди.

Бундан ташқари, қиш мавсуми олдида мингдан зиёд хонадонда техника хавфсизлиги талабларига амал қилиниши, иситиш печкалари (қўмир, ўтин ва суюлтирилган газга мослаштирилган печ ва плиталар)ни мавсумга тайёргарлик ҳолати тўлиқ ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида 2 минг нафарга яқин фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Натижада вилоят ва туман соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанишга эҳтиёжи бор 69 нафар фуқарога даволаниш учун бепул йўлланма берилди.

Оқолтин тумани «Мустақиллик» маҳалласидаги 16 та кўп қаватли уйларнинг фасад қисми ва кириш йўлаклари таъмирланиб, 8 тасини том қисми алмаштирилмоқда. Шунингдек, мазкур кўп қаватли уйлар олида 5 та янги болалар майдончаси ва 1 та «workout» майдончаси қуриб берилади.

Ховос туманидаги «Оқчангал» ва Гулистон туманидаги «Иноқлик» маҳаллалари учун янги бино қурилиб, қолган 2 та маҳалла биноси реконструкция қилинади. Танлаб олинган барча маҳаллалардаги 6 та мактаб, 3 та оилавий поликлиника жорий таъмирланади.



«Қизилқум» обод маҳаллага айланди»



Бундан бир ой аввал маҳалламиз туманининг энг оғир ҳудудлардан бири эди. «Обод кўча», «Обод хонадон», «Обод маҳалла» тамойили асосида ҳудудимизнинг инфратузилмаси, аҳолининг яшаш турмуш тарзи тубдан ўзгарди.

Элмурод ЎРИНОВ,
Мингбулоқ туманидаги
«Қизилқум» маҳалласи раиси.

383 та хонадонда «Обод хонадон» мезони тўлиқ жорий этилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Яқка тартибдаги хонадонларнинг 195 та муаммолари ҳал этилди. 92 та хонадон уйлари таъмирланди, 201 та хонадон ташқи деворлари оқланди, 70 та хона-

доннинг тандирхонаси қайтадан қурилди, 383 та хонадон ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди, 198 та хонадонда томоркадан самарали фойдаланиш чоралари кўрилди.

«Обод кўча» мезони бўйича 7 та кўчада 11 км. ички йўлларга асфальт қилинди, 1,2 км коллектор-зовурлар тозаланди, 1 та ичимлик суви иншооти, 2 та янги трансформатор ўрнатилиб, 3 та трансформатор макамал таъмирланди, 66 донна темир-бетон симёғочлар ўрнатилиб, 8,5 км тармоқ мукамал таъмирланди, 0,7 км тармоқ тортилди. Маҳалладаги А.Кодирий, Кўркам-2 ва А.Навоий кўчаларига 50 донна тунги ёри-тиш чироқлари қўйилди. 3 км. узунликда (оптик тола) алоқа тармоғи тортилди ва 102 нафар хонадон интернет хизматига уланди. Дастур асосида 1959 йилда

қурилган маҳалла фуқаролар йиғини биноси янгидан қад ростлади.

Шунингдек, замонавий кутубхона, болалар майдончаси, мини стадион, «workout» майдончаси ва оилавий шифокорлик пункти бунёд этилди. 25-сонли умумтаълим мактабида тўлиқ реконструкция ишлари олиб борилди. Укув анжомлари янгиланган берилди. 23-сонли мактабга таълим ташкилоти таъмирланиб, барча шароитлар яратилди. 1940 йилда ташкил этилган «Нурбобо» қабристонига жойлашган бинони таъмирлаб, ҳашар йўли билан 180 метр йўлаклар тартибга келтирилиб, 220 метр деворлар оқланди.

Маҳалламизда жами 2 200 нафар аҳоли истиқомат қилса, уларнинг асосий машғулоти тури деҳқончилик ва чорвачилик ҳисобланади. Бундан ташқари, иссиқхонадан қўшимча даромад олишни ҳам йўлга қўйдик. Бу ерда кўчат, помидор, бодринг етиштириш орқали аҳоли даромад топомқда. Иил бошида 80 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, бугун бирорта ҳам бекорчини топа олмайсиз. Аҳоли бандлигини таъминлашда уларга 20 сотихдан ер ажратдик, субсидия асосида 6 та тикув машинаси олиб бердик. 25 нафарини мавсумий ишга жойладик. Қолаверса, маҳалладаги 12 та тадбиркорлик субъектларимизга ҳам жалб қилдик.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан маҳаллада «еттилик» фаолияти йўлга қўйилгани, ҳар бирини вазифаси белгилаб берилгани биз кутган янгилик бўлганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Сабаби, аввалги тартибга кўра, функционал вазифалари бир-бирини такрорлаб қолаётганди.

БИЛАСИЗМИ?

Истеъмолчиларга қандай ҳолларда компенсация берилади?

«Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган истеъмолчиларга харид харажатларининг бир қисми қуйидаги миқдорларда Тармоқлараро энергияни тежаш жағмаси ҳисобидан компенсация қилинади:

Қуёш ёки шамол электр станциясини ўрнатганлик учун компенсациялар миқдори ўрнатилган қуввати:

0,5 кВтдан 1 кВтгача бўлганда
БҲМнинг 7 баробар (2 млн 310 минг сўм);

1 кВтдан 1,5 кВтгача бўлганда
БҲМнинг 10 баробар (3 млн 300 минг сўм);

1,5 кВтдан 2 кВтгача бўлганда
БҲМнинг 15 баробар (4 млн 950 минг сўм);

2 кВт ва ундан юқори бўлганда
БҲМнинг 20 баробар (6 млн 600 минг сўм);

5 кВт ва ундан юқори бўлганда
БҲМнинг 50 баробар (16 млн 500 минг сўм, фақатгина янги ерлар ўзлаштирилганда ва тик қудуқларда ўрнатилган сув насосларининг электр энергияси истеъмоли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари орқали таъминланганда).

ТАШАББУС

«Олис ва «оғир ҳудуд»да эдик...»



Хайрли ташаббусни ўзи-да жамлаган «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари доирасида биз каби энг олис ҳудудларда жойлашган, «оғир ҳудуд»даги маҳаллалар тобора обод масканга айланмоқда.

Ўткир НОРАЛИЕВ,
Зафаробод туманидаги
«Самарқанд» маҳалласи.



Айтиш керакки, жорий йил давомида маҳалламиз инфратузилмасини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар бажарилган эди. Масалан, 1,5 км. кўчага бетон йўл ётқизилган, 14 км. масофада ичимлик сув тармоғи тортилганди. Ички кўчаларнинг 19 км. қисми шағалланган. 100 дона таянч устунлар ўрнатилиб, 1,5 км. электр симлари торилганди.

Эндиликда юқоридаги мезонлар асосида ҳудудимиздаги 18-мактабнинг иситиш тизими янгиланиб, ичимлик сув билан таъминланади. Бундан ташқари, 220 ўринли 12 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. 3 минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган маҳалламизда ичимлик сув муаммоси ҳал этилиб, 240 та хонадон табиий газ тармоғига уланади. 2 та «барак» типидagi уйлар таъмирланиши ниҳоясига етмоқда.

Шу билан бирга, сизот сувлар чиқиб кетиши учун янги ирригация тармоқлари, кузатув камералари ўрнатилиши режалаштирилган. 2 та болалар майдончаси бунёд этилади. Ҳозиргача 2,7 км. ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари бошланди. 2,5 км. масофадаги йўллар шағаллаштирилди. 7 та кам таъминланган оилага мўлжалланган уй-жой қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бундан ташқари, маҳалла ходимлари учун янги бино қуриляпти. Бунинг учун 400 миллион сўм маблағ ажратилган.

Қишда лой, ёзда чанг кўчаларимизнинг 3,5 км. қисми бетонланмоқда. 1,5 км. ариқ-лотоклар ҳашар йўли билан янгиланмоқда. Электр тармоғидаги

узилишларни бартараф этиш мақсадида эски симёочлар ўрнига 148 та бетон таянч устунлар ўрнатилди. 5,6 км. масофада электр симлари тортилиб, 2 та эски трансформатор ўрнига янгиси қўйилмоқда. Шунингдек, Мирзабедил ва Самарқанд кўчаларини боғловчи янги кўприк қурилиши бошланди. Ички кўчаларнинг 4 км. қисмидаги ариқларга бетон ариқлар ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, дастурга кирмай қолган яна бир қатор масалалар бўлиб, уни ҳал этиш учун таклиф берганмиз. Жумладан, келгуси йил режамизда 18-умумтаълим мактабига спорт зал қуриш, марказий ўйингоҳни таъмирлаш вазифалари ўрин олган. Қолаверса, 1 км.лик горизонтал зовур қозиш ишлари бошланди. 1,5 км. газ тармоғи янгиланади.

Шу ўринда ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб топдим. Йил бошидаги ҳатловда 102 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган эди. Ҳозир уларнинг 55 нафари доимий ишли бўлди. Қолган 47 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Янги иш ўринларини яратиш, кредит ва субсидия ажратиш, узоқ муддат фойдаланиш учун ижарага ер бериш орқали ишсизлик бартараф этилмоқда. Бунда, айниқса, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга катта эътибор беряпмиз. Мисол учун, жорий йилнинг ўзида 10 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари очилган бўлса, уларда 40 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

БИЛАСИЗМИ?

Хизмат сафарлари чоғида қандай компенсация тўловлари тўланади?

Хизмат сафари ходимнинг иш берувчи фармойишига биноан доимий иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш учун бошқа жойга маълум муддатга қиладиган сафаридир.

Хизмат сафарига юборилган тақдирда иш берувчи ходимга қуйидагиларни қоплаши шарт:

йўлқира харажатлари;

турар жой ижараси харажатлари;

доимий яшаш жойидан ташқарида яшаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (суткалик);

ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиғи билан қилинган бошқа харажатлар.

Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш микдорлари жамоа шартномаси ёки иш берувчи томонидан касаб-а уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинган ички ҳужжат билан белгиланади.

Бунда харажатлар ўрнини қоплаш микдори бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган микдорлардан кам бўлиши мумкин эмас.

ТАЖРИБА

«Узоқ йиллик муаммолар ечимини кутаётганди...»

Мамлакатимизда бир қатор маҳаллаларда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезони асосида инфратузилмани яхшилаш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бошланди. Жумладан, 2-сектор ҳудудида жойлашган маҳалламиз жорий йилда ана шу мезон асосида обод ва кўркем маҳаллага айланмоқда.

Шоира ИМИНОВА, Норин туманидаги «Кўшариқ» маҳалласи раиси.

Айни шу кунларда маҳаллада 5 та кўча, 592 та хўжалик бўлиб, уларда тарғибот ва ташвиқот ҳамда амалий ишлар давом этмоқда. Дастур асосида «маҳалла бешлиги» томонидан ўтказилган хатлов давомида 2 958 нафар аҳоли орасидан доимий иш билан банд бўлмаганлар алоҳида эътиборга олинди. Туман ҳокимлиги ҳамда Камбағалликни қискартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ташаббуси билан ишсиз фуқаролар учун бўш иш ўринлари «Меҳнат ярмаркаси» ҳамда сайёр қабул ва тиббий курик ўтказилди.

Айтиш лозимки, бу дастур доирасида танлаб олинган маҳаллалар сони вилоят бўйича 4 тани ташкил этади. Улар орасида бизнинг ҳудуд борлиги бежиз эмас. Чунки узоқ йиллардан бери маҳалламизда ижтимоий-иқтисодий муаммолар, инфратузилма билан боғлиқ масалалар ечимини топмаётганди. Масалан, 14 км. ички кўчалар асфальтлашмаганди. Электр тармоғи эскириб, қўлбола таянч устунлар ўрнатилганди. Ҳозирда ана шу эски ёғоч устунлар ўрнига 258 та янги бетон таянч устунлар ўрнатилиши бошланди. Бир донга янги трансформатор олиб келинди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, хатлов натижасида хонадонлар 3 та тоифага ажратиб олинди. Унга кўра, 45 та хонадон «қизил», 127 таси «сарик», қолганлари «яшил» тоифага киритилди. Шу асосида уларга зарур ёрдам берилмоқда. Яна бир қувонарли ҳолат — шу кунгача ўз биносига эга бўлмаган маҳалла ходимларига янги



бино қурилиши бошланди. Бунинг учун 1,7 км. ер ажратилди. 3,8 метрга тоза ичимлик сув тармоғи тортилди.

Одамларимиз тиббий хизматдан фойдаланиш учун қўшни маҳаллаларга боришарди. Ташаббус ортидан бу масала ҳам ижобий ечим топди. 2 та контейнер олиб келиниб, тиббий пункт ташкил этилди. Ҳозирда сўнгги таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Болалар майдончаси барпо этилмоқда. Ҳудудимиздаги 24-умумтаълим мактаби анча вақтдан бери таъмирга муҳтож эди. Бугун таълим даргоҳида катта қурилиш ишлари бошланди. Бино қайта таъмирланиб, қўшимча спорт зали қуриляпти. Бу ҳаракатларда одамларимиз бефарқ бўлишмаяпти. Эътибордан руҳланиб, кўчаларни ободонлаштиришда фаол қатнашишмоқда. Ҳашар йўли билан таъмирталаб уйлар янгича қиёфа касб этмоқда.

Қолаверса, ободонлаштириш ишлари учун 50 нафар жамоатчи штати берилди.

Айниқса, жараёнда эҳтиёжманд, яқин-ёлғиз, боқувчиси йўқ ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, улар учун зарур шaroитлар яратилмоқда. Мисол учун, Муроджон Ғаниев ва Роҳила опалар имконияти чекланган бўлиб, бир неча йилдирки, рўзғордан ортиб, яшаб турган хонадонларини таъмирлай олмаган эдилар. Дастур асосида Ғаниевлар хонадонни бугун обод масканга айланди.

Шу билан бирга, бандликни таъминлаш бўйича ишларимиз янги босқичга кўтарилди. Йил бошидаги хатловда «Аёллар дафтари»га 86 нафар (56 нафари 1-тоифадагилар эди) хотин-қизлар рўйхатга олинган бўлса, 19 нафар ёшлар «қизил» тоифага киритилган эди. Бугун шу рўйхатда 27 нафар ишсиз қолди, холос.

«Авиасозлар» да тадбирлар пухта ва соз ўтятипти»



Маҳалламиз 21 та кўп қаватли уйлاردан иборат. 3 484 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йиғинда «Обод маҳалла» доирасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Худуд кўрқига кўрк қўшилиб, ҳар бир хонадонга ўзгача файз кириб борди.

Жаббор САМАДОВ,
Яшнабод туманидаги
«Авиасозлар» маҳалласи раиси.

Йиғин авваллари этибордан четда, йўллар таъмирталаб ҳолда, муаммолар ечимини кутиб ётарди. Бу эса аҳолига бир қанча муаммолар туғдирарди. Президентиимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан,

худуддаги йўллар таъмирланиб, 5 километр ички йўлларга асфальт ётқизилди. Дастур доирасида ҳар бир кўп қаватли уйлар ёнидан автотургоргоҳлар ташкил қилиниб, одамларнинг муаммоси бартараф этилди. Зеро, шу вақтгача аҳоли автомашиналарини қўйишга жой мавжуд бўлмаганидан қийналарди.

Худуд инфратузилмасини яхшилаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, соғлом авлод бўлиб камол топиши учун йиғинда 1 та волейбол майдончаси ва 1 та кичик футбол стадиони қуриб

берилди. Қолаверса, болажонларимиз ўйнаши учун болалар майдончаси деярли йўқ эди. Борлари ҳам алмисокдан қолган, эскириб, фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Шу боис мавжуд болалар майдончалари таъмирланиб, янгилари қуриб берилди.

Авиасозлар-3, Қорасув кўчаларидан ўтган автомобиль йўли бўйлаб 2,2 километр узунликда пидедалар ва велосипед йўлакчалари ётқизилди. Одамларнинг ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. 2 километр узунликда «Маҳалла маскани» ташкил этилиб, худуддаги ёшу қарининг ҳордиқ чиқаришига имконият яратилди.

Маҳалламиз савдо, хизмат

кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга мослашган. Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ажратилган кредитлар асосида худуддаги тадбиркорлик субъектлари сони 20 тага кўпайиб, янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича 9 нафар фуқарога 289 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Мисол учун, Авиасозлар-3 кўчасида истиқомат қилувчи Фозила Мухаммедова 33 миллион сўм имтиёзли кредит асосида хусусий тикув цехи ташкил қилиб, маҳалладаги ишсиз хотин-қизни доимий иш билан таъминлади. Ёрқиной Маматқаримова шунча микродордаги кредит ҳисобидан тикув машинаси олиб, чеварчилик фаолиятини йўлга қўйди. Бу орқали у маҳалладаги 3 нафар аёлни ишли қилди.

Шунингдек, яна 7 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит маблағи эвазига тикув машинаси, 2 нафарига компьютер жамланмаси, 1 нафарига қандолат печи олиб берилиб, ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашилди. Бундан ташқари, йиғиндаги ижтимоий кўмакка муҳтож 7 нафар фуқарога субсидия асосида турли асбоб-ускуналар тақдим этилди. 163 нафарига «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда, худуд қиёфаси аввалгига қараганда ўзгариб, кўчаларга файз кириб келди. Одамларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар йиғинда тадбиркорлик субъектлари кўпайишига хизмат қилмоқда. Аҳоли эса яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаровон турмуш кечиришга интиломоқда.



ТАКЛИФ

«Маҳаллага бино ва тиббий муассаса зарур»

Йиғинимиз 2001 йилда ташкил топган. 2 459 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг турмуш даражасини ошириш, яшаш шароитини яхшилаш бўйича бир қанча ишлар олиб бориляпти. Туман марказидан 5 километр узоқликда жойлашган маҳалламиз оғир ҳудудлар қаторига киритилган. Бу тоифадан чиқиш мақсадида ходимлар билан тизимли ишлар олиб бориляпти.

Ўғилой ЕВГЕНОВА,
Янгийўл туманидаги
«Эпкенди» маҳалласи раиси.

Худуд «драйвер»и, асосан, чорвачилик ва деҳқончиликка мослашган. Аҳолининг кўпчилиги шунинг ортидан кун кўради. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган аҳоли ҳолидан хабар олиниб, турли ёрдамлар берилмоқда. Жумладан, шундай тоифадаги 4 нафар фуқаронинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. 3 та оила ҳомийлар томонидан мунтазам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келиняпти. Бир нафар руҳий касаллик билан оғриган фуқарога ногиронлик гуруҳига чиқишига кўмаклашилди. Шунингдек, уларга бир марталик моддий ёрдам берилиб, кийим-кечак, озиқ-овқат, коммунал тўловлари тўлаб бериляпти.

Хатловлар натижасида 12 нафар фуқаро ишсиз экани аниқланиб, уларнинг барчаси турли ҳақ



тўланадиган жамоат ишларига жойлаштирилди. 13 нафари ўзини ўзи банд қилди. «Аёллар

дафтари»да турувчи 16 нафар аёлга 12 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрса-

тилди. Дафтарга киритилган 2 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 2-гуруҳ ногирони Аида Налибаевага соғлиғини тиклаши учун «Саховат ва кўмак» жамғармасидан 3 миллион сўм моддий ёрдам берилиб, дори-дармон билан таъминланди.

Маҳаллада кичик бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш асосий эътиборимизда. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган 1 нафар фуқарога 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига 2 сотих иссиқхона қуриб берилди. Бугунги кунда у иссиқхонада полиз маҳсулотларини етиштириш орқали мўмайгина даромад қилмоқда. Яна бир нафар фуқарога шунча микродордаги кредит эвазига балиқчилик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчиси кўмагида 23 нафар фуқарога 541 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашилди. Бу билан худудда 243 та янги иш ўринлари яратилди. Деҳқончилик қилиш истагида бўлган 170 нафар фуқарога аукцион орқали 35-50 сотихдан ер ажратиб берилди. Бугун улар ўз деҳқончилиги билан оиласига барака киритмоқда.

Худуд инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, худуд экофаунасини яхшилаш мақсадида маҳалладаги ташландиқ ва қаровсиз ерларга 1 700 та мевали ва манзарали дарахт қў-

чатлари ўтқазилди. Президентнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, Дўстлик, Барака кўчаларига 5 километр ичимлик суви қувурлари ётқизибли, 187 та хонадон оби-ҳаёт билан таъминланди. Тадбиркор ташаббуси билан худди шу кўчаларнинг йўли текисланиб, 3,5 километри шағаллаштирилди.

Умуман олганда, йиғинимизни оғир тоифали худудлар қаторидан чиқаришга ҳаракат қилияпмиз. Муаммоларга келадиган бўлсак, худуддаги эски электр симёғочларини янгисига алмаштириш, иккита янги трансформатор ўрнатиш керак. Маҳаллада аҳоли сони ўсиб бораётгани боис эски трансформаторлар уларни етарлича электр энергияси билан таъминлай олмаёпти.

Қолаверса, маҳалла ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни ўз ўрнида бажариши учун маҳалла биносига эҳтиёж бор. Ҳозирда худуддаги бўш турган бинода ижарада фаолият юритяпмиз. Шу билан бирга, туман марказидан узоқда жойлашганимиз учун қишлоқ врачлик пунктига зарурат бор. Аҳоли тиббий кўрикка боришга қийналади. Қўшни маҳаллалардаги врачлик пунктларига бориш аҳолига катта муаммо туғдиради. Хуллас, бизга маҳалла биноси билан қишлоқ врачлик пункти жуда зарур.



БАНДЛИК



«Кавардон»да банд бўлмаган киши қолмади

Маҳалламиздаги 508 та хонадонда жами 2 685 нафар аҳоли истиқомат қилиб, одамларнинг аксарияти тадбиркорлик, деҳқончилик ва чорвачилик ортидан кун кўради. Йиғинда ўтказилган хатловлар натижасида аниқланган муаммолар ўрганилиб, имкон даражасида бартараф этилмоқда. Маҳаллада ишсизликнинг олдини олиш мақсадида ишсиз фуқароларнинг барчаси давлат ташкилотларига, кунлик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштирилди.

Ҳилола РИХСИБОЕВА,
Юқори Чирчиқ туманидаги
«Кавардон» маҳалласи раиси.

Ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари сони 34 тага кўпайиб, 58 та янги иш ўринлари яратилди. Қолаверса, тадбиркорлик қилиш ва ўз бизнесини кенгайтириш истагида бўлган 48 нафар фуқарога 881 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, Кавардон кўчасида истиқомат қилувчи Зухра Норматова 18 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига ўз уйида мўъжазгина новвойхона ташкил қилиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Бу орқали маҳалладошимиз ҳудуддаги 3 нафар фуқаронинг ишли бўлишига кўмаклашди.

Айтиш керакки, ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар билан ҳам манзилли иш олиб бориляпти. Хусусан, «Аёллар даф-

тари»даги 17 нафар хотин-қизга имтиёзли кредитлар эвазига тикув машинаси олиб берилди. Бу билан уларнинг уйдан чиқмаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига имконият яратилди. 1 нафарига 33 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан зотдор чорва қўйлари олиб берилиб, чорвачилик фаолияти билан шуғулланишига кўмаклашилди. Шунингдек, 41 нафар хотин-қизга «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан 1 миллион 200 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам берилди. Яна 1 нафарининг таъмирталаб ҳолга келиб қолган уйи таъмирлаб берилди.

«Ёшлар дафтари»га киритилган йигит-қизларнинг 6 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Шулардан 3 нафарининг контракт пуллари тўлаб берилди. 1 нафарига тикув машинаси ҳамда яна 1 нафарига мотокультиватор олиб берилиб, ўзини ўзи банд қилишига ёрдам берилди. Дафтардаги яна 4 нафар йигит-қиз доимий ишларга жойлаштирилган бўлса,

3 нафари туман мономарказида касб-хунарга ўқитилиб, мутахассислиги бўйича ишли бўлди.

Бундан ташқари, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, маҳалладаги таъмирталаб ҳолга келиб қолган ички йўлларнинг 2,7 километри асфальт қилинди. Шунингдек, аҳолини бир неча йиллардан буён қийнаб келаётган ичимлик сув муаммоси бартараф этилди. Қарор бўйича 2,1 километрдан зиёд узунликда ичимлик сув тармоғи тортилиб, оби-ҳаётга бўлган эҳтиёж қондирилди. Қолаверса, йиғиндаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва соғлом ривожланиши учун бўш турган ерда «Street Workout» спорт майдончаси қуриб берилди.

Умуман олганда, аҳоли яратиётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш борабора дама маҳалладошларининг ҳам бандлигини таъминламоқда. Бир неча йиллардан буён ечимини қутаётган муаммоларнинг ҳал бўлиши эса одамларда ҳаётга бўлган интилишни ошираётир.

ОБОДЛИК

«Ҳеч ким эътибордан четда қолаётгани йўқ»

Маҳалламиз шаҳар марказида жойлашган. Одамлар, асосан, тадбиркорлик ортидан даромад қилиб, рўзғор тебратди. Айтиш керакки, маҳалламиз ўтган вақт мобайнида тубдан ўзгарди. Ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва оғир шароитда яшаётган фуқароларни тегишли тоифалардан чиқариш бўйича самарали ишлар бажарилди.

Икром ТУРСУНОВ,
Навоий шаҳридаги
«Истиклол» маҳалласи раиси.

Шаҳар марказида жойлашган бўлишимизга қарамай, муаммоларимиз бир талай эди. Йўлларимиз таъмирталаб, аҳоли ичимлик сув йўқлигидан ва бошқа шу каби муаммолардан анча чарчаганди. Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, ҳудуддаги ички йўллар таъмирланиб, 2,7 километр масофада асфальт ётқизилди. «Қамолот» ва «Навбахор» кўчаларига тоза ичимлик сув қувурлари тортилиб, аҳолининг оби-ҳаётга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Шунингдек, ҳудуддаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни соғлом вояга етказиш мақсадида бўш бўлган ерда иккита спорт майдончаси қуриб берилди.

Ҳудудда электр энергияси билан боғлиқ муаммолар одамларни безовта қилмаган. Аммо аҳоли тунда

ҳаракатланишга қийналар эди. Шу боис жиноятчиликнинг олдини олиш, одамларнинг тунги вақтда ҳаракатланишига қулайлик яратиш мақсадида Боғишамол, Мустақиллик, Нақшбандий, Янги боғ ҳамда Имом ал-Бухорий кўчаларига 40 донга замонавий қуёш батареяларига эга тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Бундан ташқари, ҳудудда эътибордан четда қолган боғ мавжуд бўлиб, вилоят ҳокимлиги, ободонлаштириш бошқармаси ва йиғиндаги фуқаролар ҳамкорликда 1 км. масофадаги боғ ҳашар йўли билан тозаланиб, обод манзилга айлантилди.

Йиғинда 55 та тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар сафини кенгайтириш мақсадида тадбиркорлик қилиш ва ўз бизнесини кенгайтириш истагида бўлган 41 нафар фуқарога 1 млрд. 40 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағи ажратилиб, 70 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, Гулбахор Маъмурова 33 млн. сўм имтиёзли кредит асосида «Шаҳризодабегим-Навоий» хусусий корхонасини ташкил этиб, чеварчилик фаолиятини йўлга қўйди. Бу орқали 4 нафар маҳалладошининг ишли бўлишига кўмаклашди. Шунингдек, Севдиёр Сувонов 100 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига бўш турган бинони ижарага олиб, чеварчилик орқали 7 нафар фуқарони доимий иш билан таъминлади.

Ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, ижтимоий дафтарларда турувчи фуқаролар ҳам доимий эътиборимизда. Жумладан, 25 нафар шундай тои-



фадаги аёлга имтиёзли кредит эвазига тикув машиналари берилди. Бу орқали улар ўз уйида ўзини ўзи банд қилишига шароит яратилди. Шунингдек, 5 нафар фуқарога субсидия асосида асбоб-ускуналар олиб берилди. Бахтсиз ҳодиса туфайли уйи ёниб кетган Нақшбандий кўчасида истиқомат қилувчи 1-гурух ногирони Абдували Носировга уй-жойини қайта тиклаши учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан 110 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Умуман олганда, йиғинда биронта одам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қўлимиздан келган барча ишларни амалга ошириб келямиз. Ҳудуддаги бунёдкорликлар эса одамларнинг яшаш шароитлари яхшиланишига хизмат қилаётир.

СТАТИСТИКА

Ҳар куни йўлларда 5 нафар фуқаро вафот этмоқда

Олий Мажлис Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлисида Ўзбекистонда саккиз ой ичида қанча киши йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) қурбони бўлгани айтилди.

Маълум қилинишича, жорий йилнинг шу давр мобайнида мамлакатимизда 9 миллиондан ортиқ йўл ҳаракати қоидабузарлиги, жумладан, 8 миллионга яқин қўпол қоидабузарликлар, 26 мингга яқин транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш қайд этилган.

Оқибатда ушбу даврда 5 772 та ЙТХ содир этилиб, 5 448 нафар фуқаро жароҳатланган, 1 415 нафар киши вафот этган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда 11 мингга яқин пиёдалар ўтиш йўлаги мавжуд бўлиб, улардан бор йўғи 1 834 тасига светофор ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи бошқа йўл белгилари қўйилгани айтилди. Бирок бу умумий рақамнинг 30 фоизини ҳам ташкил этмайди. Аксарият тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчиларни мазкур объект тўғрисида ўз вақтида огохлантирувчи белгилар ўрнатилмаган ва йўл чизиқлари чизилмаган.

Таъкидланишича, тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида сутканинг қоронғи вақтида тегишли сунъий ёритиш чироклари билан таъминланмагани боис ЙТХнинг аксарияти кечки пайтга тўғри келмоқда. 2021-2023 йиллар давомида тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида 2 784 та ЙТХ содир этилган бўлса, уларнинг 1 007 таси сутканинг қоронғи вақтида содир этилган.

Ҳайдовчилар томонидан тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида пиёдаларга йўл бермаслик ҳам ЙТХларни кўпайишига сабаб бўляпганини айтди. 2021 йилда 101 796 та, 2022 йилда 142 967 та, 2023 йилнинг 8 ойида 90 211 та ҳолатда ҳайдовчилар томонидан тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида пиёдаларга бермасдан ҳаракатланиш ҳолатлари қайд этилган.

БУНЁДКОРЛИК

«Ободлик ҳар бир оилага кириб боряпти»



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган янгиланиш ва қайта таъмирлаш ишлари Когон туманидаги «Сорғун» маҳалласида қизғин давом этапти. Хайрли ташаббус ва саъй-ҳаракатлар «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари доирасида жадаллашди. Кенг кўламли ободонлаштириш ишлари асносида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа иншоотлари, зарур инфратузилма объектларини барпо этиш ва мукаммал таъмирлаш кўзда тутилган.

Бахтиёр БЕКМУРОДОВ,
Когон туманидаги «Сорғун» маҳалласи раиси.

Маҳалламиз маъмурий жиҳатдан Катта Орғун, Ойнасоз, Оқ олтин, Паракти, Сорғун, Сурхиён, Суғдиёна, Асалхўжа каби саккизта қишлоқдан таркиб топган. Ҳозирда бу ерда 714 та хонадон, 819 та оила бўлиб, уларда истиқомат қилаётган аҳоли сони 3 570 нафарга етган. Шундан аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатлами 1 870 нафарни ташкил этиб, расман 63 нафар ишсиз бор. Шунингдек, ҳозирда 1 та оила «Темир дафтар»га киритилган, 23 нафар йигит-қиз «Ёшлар дафтари»дан, 102 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»дан ўрин олган. Уларнинг ҳар бири билан индивидуал иш олиб бориш тизими йўлга қўйилган бўлиб, барчасига моддий ва бошқа кўмак турлари кўрсатилмоқда. Қолаверса, «Хар бир оила — тадбиркор» дастури асосида эҳтиёжманд фуқароларга 33 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилиб, ўнлаб оилаларни соғломлаштириш, уларга ишлаб, даромад ортириш имкони яратилмоқда.

Худуддаги ободонлаштириш ва янгиланиш-ни, аввало, муҳандислик-коммуникация тармоғининг такомиллаштирилиши, ижтимоий иншоотлар қиёфаси замонавий кўринишга келаятигандан яққол билиш мумкин. Жумладан, ўз бағрига 560 нафар ўғил-қизни жойлаган 7-ва 23-сонли умумтаълим мактаблари бутунлай янгидан таъмирланди. Мактабларда иссиқлик тармоғи билан бирга, барча синф хоналари, фан кабинетлари, ўқитувчилар хонаси рисоладагидек ҳозирланган. Шунингдек, бир йил олдин худудда тиббиёт маскани бўлмаган, бугун эса сорғунликлар кунига 60 қатновга мўлжалланган оилавий шифохона пунктига эга бўлди.

Маҳалланинг боғча ёшидаги болажонларини таълим билан тўлиқ камраб олишда 10-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти қўл келмоқда. Ҳозир бу маскан 125 нафар жажжи болани ўз бағрига олган. Этиборлиси, унда ишлашга қабул қилинган 31 нафар мутахассис ва ишчи-ҳодим маҳаллий аҳолининг ишсиз қатлами, ижтимоий муҳофазага муҳтож хотин-қизлар орасидан танланган.

Худуд инфратузилмасида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланган оз эмас. Чунончи, маҳалладан ўтувчи «4К-182» «Когон — Катта Орғун — Янглов — Қизилтепа» йўлининг 3 километр қисми асфальтлаштирилган бўлса, йўл чекка қисмларида аҳоли қатнови учун 2

километр масофада пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. Бу лойиҳага давлат бюджети ҳисобидан 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган. Шунингдек, Ойнасоз, Сорғун, Паракти, Сурхиён қишлоқлари бўйлаб ўтган ички йўллардан қиш ёғингарчиликларида ўтиб бўлмас даражага етган 1 450 метр қисми шағаллаштирилган бўлиб, шундан 1 240 метр қисмига асфальт ётқизилди. Яна қишда лой, ёз жазирамасида чанги осмонга ўрлайдиган кўчаларнинг 2 500 метр қисми бетонлаштирилгани шу ерлик аҳолини хурсанд қилди.

Бошқа худудда бўлгани каби сорғунликлар ҳам электр энергияси таъминотидаги узилышлардан четда қолмаган. Шу боис худудда 5,7 километр масофадаги электр линияси бутунлай янгиланди. Янги русумдаги «SIB» кабелли тортилди. Эскирган симёғочлар ўрнига 130 та темир-бетон устун ўрнатилди. Катта Орғун қишлоғида 100 киловатт соат қувватга эга трансформатор ўрнига янги 250 киловатт соат қувватга эга электр трансформатор ўрнатилди. Мавжуд трансформаторларнинг 3 таси таъмирдан чиқарилди.

«Сорғун» — табиий газ етиб келмайдиган худудлардан бири. Шу боис аҳоли кундалик эҳтиёжи учун «Когонгаз» таъминот бўлими томонидан худуддаги истеъмолчилар, 734 та хонадонга суюлтирилган газ ёнилғиси маиший баллонларда узлуксиз етказиб берилмоқда. Сўнгги ойлarda туманда ўтаётган мутасадди-лар, сектор раҳбарлари сайёр қабулларида суюлтирилган газ баллони етишмовчилиги бўлган ўттизга яқин хонадонга маиший баллон етказилди.

Маҳалла аҳолисини ташвишга солаётган муаммолардан яна бири, бу — тоза ичимлик сув таъминотидир. Биргина Сурхиён қишлоғида 11 минг метрдан ортиқ узунликда сув тармоғи ўрнатилгани туфайли 125 та хонадон истеъмолга яроқли тоза оби-ҳаётдан баҳраманд бўлмоқда. Шунингдек, худудга яқин «Қуржан» сув узатиш иншооти қайта реконструкция қилинди. Бу лойиҳа ва қишлоқдаги тармоқ қурилиши учун 600 миллион сўмдан ошиқ сармоя ўзлаштирилган.

Умуман, ободлик ва янгиланишларни нафақат худуд қиёфасида, балки ҳар бир оиланинг турмуш тарзи яхшиланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан, айна кунда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами билан ишлаш, улар ташвиш ва муаммоларини ечишга эътибор кучайтирилган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нуриддин АБДУЛЛАЕВ,
Сариосиё туманидаги «Биллур» маҳалласи раиси:

— Маҳалламиз туман марказида жойлашгани боис айрим фуқароларимиз марказий бозор ҳудудида аравакашлик қилишади. Айрим ҳолларда улар орасида ёш болаларни ҳам учратиш қоламиз. Шунда уларни тўхтатиб, меҳнат қилишга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаб, ваколатимиз доирасида тегишли ёрдам кўрсатамиз. Айтинччи, ёшлар, дейлик, 18 ёшгача бўлганлар аравакашлик қилиши мумкинми? Бундай ишда оғир юк кўтариш зарур бўлади, бу ҳолатда ёшларга белгиланган норма борми?

16 ёшга тўлмаганга аравакашлик мумкин эмас

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— «Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида»ги Низом қабул қилинган бўлиб, унинг қоидалари мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг меҳнатга оид муносабатларида қўлланиши шарт.

Низомга кўра, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси белгиланади. Хусусан, бундай тоифадаги ходимларнинг иш вақти фақат юкларни кўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлса, улар учун юк кўтариш ва

ташиш нормасининг чегараси 4,1 килограммдан оғир бўлмаслиги, шунингдек, улар аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларига жалб этилмаслиги лозим.

Қолаверса, ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, кўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўғил болалар учун — 6,5 килограмм, қиз болалар учун — 3,5 килограммдан оғир бўлмаслиги шарт. Уларнинг иш вақти фақат юкларни кўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 килограммдан оғир бўлмаслиги лозим.

Энг муҳими, ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганларга аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларига рухсат этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Сариқ чироқда ҳаракатланганларга жарима қўлланиладими?

Чорраҳаларда светофорнинг сариқ чироғи ёнган вақтида ҳаракатланиш-ни бошлаш одат тусига айланиб қолган. Ҳайдовчиларнинг аксарияти сариқ чироқни ҳаракатланишга рухсат чироғи деб тушунади. Ҳўш, аслида светофорнинг сариқ чироғида ҳаракатланиш қоидабузарлик саналадими?

Мазкур саволга Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот хизмати ходими Ойбек Раҳмонов қуйидагиларни маълум қилди.

— Йўл ҳаракати қоидаларининг 31-бандига кўра, светофорнинг сариқ ишораси ҳаракатланишни тақиқлаш кўрсатилган. Милтиловчи сариқ ишора эҳтиёткорлик чораларини кўрган ҳолда ҳаракатланишга рухсат беради ва тартибга солинмаган чорраҳа ёки пиёдалар ўтиш жойи борлигидан хабардор қилади, хавф-хатар ҳақида огоҳлантиради.

Светофорнинг яшил ишорасидан кейин сариқ ишора ёнганда ёки тартибга солувчининг қўли юқорига кўтарилганда, қоидаларнинг 41-бандида назарда тутилган жойларда кескин тормоз бермасдан тўхташга улгура олмайди деган ҳайдовчиларга ҳаракатланишнинг давом эттиришга рухсат этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Йўл ҳа-

ракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига кўра, светофорнинг ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиги (5.33 йўл белгиси) олдида (бунда транспорт воситасининг энг олдинги нуқтаси тўхташ чизиги устига чиқиб кетмаслиги керак), бундай чизик бўлмаганда эса чорраҳанинг қатнов қисми билан кесишган жойида, пиёдаларга ҳалақат бермасдан темир йўл кесишмаси олдида ушбу қоидаларнинг 119-бандига мувофиқ, бошқа жойларда светофор ёки тартибга солувчининг олдида, ҳаракатланишига рухсат берилган транспорт воситалари ва пиёдаларга ҳалақат бермаган ҳолда тўхташи керак.

Чорраҳага ўрнатилган камера-лар ва шаҳар йўлларидаги радар-лар бор жойда қизил ишора билан бир вақтда сариқ ёнганда яшил чироқни кутмасдан ҳаракатланган ҳайдовчига жарима ёзилиши мумкин.

«Вазир ташаббусимизни эътиборсиз қолдирмади...»



Узоқ йиллардан бери маҳалламиз инфратузилмаси билан боғлиқ муаммолар йиғилиб қолганди. 2 620 нафар аҳоли яшайдиган ҳудудимизда йўллар абгор, электр таъминотида узилишлар кузатиларди. Шу боис мутахассислар хулосасига асосан, ҳудудимиз «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонлари асосида танлаб олинди. Натижада кўча ва йўллар мутлақо янгича қиёфага кирди. Аҳолининг турмуш даражаси юксалди.

Муҳаммаджон МАМАЖОНОВ,
Ёзёвон туманидаги
«Тегирмонбоши» маҳалласи
раиси.

Қарийб 130 йиллик тарихга эга маҳаллага 2,5 миллиард сўмдан ортиқ Республика ва вилоят бюджетидан маблағлари сарфланиб, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланди. 335 та хонадонда хатлов ишлари олиб борилиб, муаммоларга ечим белгиланди. Эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилди. Уйларнинг том қисмини янгилаш мақсадида 1000 га яқин шифер тарқатилди. Уйлари таъмирлаб берилди. Танлаб олинган

7 та оиланинг хонадони тўла янгиланди.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносига қўшимча 3 та хизмат хоналари қурилди. 3-сонли мактабгача таълим муассасаси таъмирдан чиқарилди. 17 та кўп қаватли уй, 2 та ижтимоий соҳа объектлари оқова сув тармоғига улаш учун 1,9 км. янги тармоқ қуриш бўйича 800 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди.

Амир Темур ва Истеъдод кўчаларига 400 метр пиёдалар йўлаклари қурилди. Тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. 3 минг метр ичимлик сув тармоғи тортилди, 1 та оқова сув ва ичимлик сув қудуғи қурилди. Электр энергияси таъми-

ноти яхшиланди, 2 та трансформатор ўрнатилди, 200 та устунлар бетон устунга алмаштирилди. 4,5 км. электр тармоғи тортилди. 4,5 км. ички йўлларга асфальт ётқизилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш учун қиймати 165 миллион сўм бўлган «Workout» майдончаси барпо этилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида фуқароларга имтиёзли кредитлар, ёшларга субсидиялар ажратилаётгани, «Тегирмонбоши» маҳалласи учун қўшимча бино ҳамда маҳалладаги 20 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган янги тикувчилик цехининг ишга тушиши маҳалла аҳли учун қутилмаган совға бўлди. Энг муҳими, йил бошидаги хатловда рўйхатга олинган 31 нафар ишсизлар бандлиги таъминланди. Ҳозир маҳаллада бирорта ишсиз қолмади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашим керакки, тикувчилик корхона-

сини ташкил этишда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг кўмаги катта бўлди. Яъни, маҳалламиз ҳудудига 150 квадрат метр майдонга эга бўш бино бор эди. Шу бинодан самарали фойдаланиб, тикувчилик корхонаси очишни режа қилгандик. Вазир маҳалламизга ташриф буюрганда юқоридаги режамизни маълум қилдик. Б.Мусаев ташаббусимизни қўллаб-қувватлади ва 23 та тикув машинасини субсидия ҳисобидан олишимизга кўмаклашди. Қолаверса, маҳаллий бюджетдан 280 миллион сўм маблағ ажратилиб, бино тўлиқ таъмирланди. Шундан сўнг «Фарғона Бобир фойз» корхонаси билан ижара шартномаси тузиб, ишсиз аёлларни ишга қабул қилдик. Болалар спорт кийимлари тикишга ихтисослашган цехда ҳозирда 2-2,5 миллион сўмдан иш ҳақи берилляпти. Хар ойлик ижара пули эса, маҳалла ҳисоб рақамига ўтказилмоқда. Насиб қилса, бу маблағларни эҳтиёжманд оилаларни

моддий қўллаб-қувватлаш учун сарфлаймиз.

Айни пайтда ҳудудимизда 57 нафар тадбиркор фаолият олиб бормоқда. Уларда 100 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Асосий «драйвер»имиз новвойчилик бўлгани учун 50 дан ортиқ новвойхонамиз бор.

Бандликни таъминлаш учун яна режалар ишлаб чиққанмиз. Жумладан, фуқароларга томорқада иссиқхона ташкил этишни таклиф қилляпмиз. Хоҳиш билдирганларга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилляпти. Чорвачиликка қизикқанларга кредит учун тавсия беряпмиз. Бундан ташқари, 23 нафар ёшнинг 20 нафарини иш билан таъминладик, асбоб-ускуналар бердик. Натижада улар ҳам ўзини ўзи банд қилди. «Аёллар дафтари»даги 59 нафар хотин-қизнинг барчасига тоифалар бўйича зарур ёрдамлар кўрсатилиб, муаммоси ҳал этилди. Бу эътибордан аҳоли-миз жуда мамнун.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Коммунал тўловлари қайси тарифда тўланади?



Жумабой РАҲМОНҚУЛОВ,
Боёвут туманидаги «Навбахор»
маҳалласи раиси:

— Тадбиркорликка берилган имкониятдан фойдаланиб, маҳалламизда оилавий корхона очган фуқаролар кўпчилигини ташкил этади. Куни кеча бир маҳалладошимиз мурожаат билан келди. Унинг асосий фаолияти савдо хизмати кўрсатиш бўлиб, яшаш хонадонидида озик-овқат дўкони ташкил этган. Айтингчи, бу фуқаро тадбиркорлик фаолиятида коммунал тўловларни аҳоли тарифида тўлайдими?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
«Мадад» ННТ ҳуқуқшуноси:

— Ўзбекистон Республикаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунининг 28-моддасида оилавий корхонанинг коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланишини таъминлаш тартиблари белгиланган. Унга асосан Фуқароларнинг яшаш жойидан оилавий корхона сифатида ишлаб чиқариш учун фойдаланилган тақдирда, коммунал хизматлар (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширади.

Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди.

БИЛАСИЗМИ?

Қайси тоифадаги пенсионерлар ер солиғидан озод қилинган?

Солиқ кодексининг 436-моддасига асосан жисмоний шахслардан олинаниган ер солиғидан қуйидагилар озод қилинади:

- уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек қонун ҳужжатлари билан уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли идоранинг маълумотномаси асосида бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;
- Ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан бирга алоҳида уйда яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек ўзини ўзи бошқариш идораларининг маълумот-

маси асосида берилади;

- Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Отаонасидан бири ёки отаонаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;
- Чернобыль АЭС (Атом электр станцияси) даги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган) фуқаролар. Мазкур имтиёз тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногиронлиги бўлган шахснинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади.

Ижтимоий ҳимоя битта платформада бирлашади

АНЪАНАГА МУВОФИҚ, 2023 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА РЎЙ БЕРГАН
АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ



«Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чо-

Собиқ маҳбусни ишга олганга субсидия ажратилади



«Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига қўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига асосан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги 1 октябрдан

ра-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида асосан, 1 октябрга қадар «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимини ишга тушириш кераклиги қайд этилган.

Шу билан бирга, 1 октябрдан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфига ўтказилади ҳамда аҳолига кўрсатиладиган барча турдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар, шу жумладан, кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдамлар бўйича аризалар мазкур тизим орқали қабул қилинади.

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия бериши назарда тутилган.

Бунда ҳар бир ишга жойлашган шахс учун уч ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан сўнг базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдоридан бир марталик субсидия ажратиш таклиф қилинган. Шунингдек, «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларини ўргатади.

Тиббий маълумотнома электрон шаклга ўтади



«2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонига кўра, тиббий маълумотномалар 1 октябрдан Тошкент шаҳри,

Тошкент ва Самарқанд вилоятларида электрон шаклда берилади.

Хусусан, ҳужжат асосида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилмоқда. Бунда уларни бериш Навоий ва Сирдарё вилоятларида — 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида — 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, республиканинг бошқа ҳудудларида — 2024 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклга ўтказилади. 2024 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни қўғоз шаклда талаб қилиш тақиқланади.

Энергетика соҳасида янги тартиб кучга киради



Октябрда юз бериши кутилаётган энг муҳим ўзгариш — ёқилғи-энергетика нархларини бозор нархларига мослаштириш томон босилган қадам бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг

«Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ошмоқда. Шу билан бирга, ҳозирча аҳоли учун тарифлар ўзгаришсиз қолади.

Электр энергияси тарифлари ОКМК, НКМК, «Ўзметкомбинат» ва бюджет ташкилотларига 1 кВт. соат 1 000 сўм, бошқа ташкилотларга 900 сўм деб белгиланди. Табиий газ тарифлари эса ОКМК, НКМК, «Ўзметкомбинат» ва бюджет ташкилотларига 1 куб метр учун 1 800 сўм, бошқа ташкилотлар учун 1 500 сўм бўлиши таклиф этилган.

Тошкентда ҳуқуқий эксперимент ўтказилади



Президентнинг «Тошкент шаҳрида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

пойтахт инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилади.

Хусусан, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Адлия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги, Солиқ қўмитаси ва бошқа давлат органлари ахборот тизимларидаги муниципал мулклар тўғрисидаги маълумотлар ушбу тизимларни ўзаро интеграция қилиш орқали «Рақамли Тошкент» комплекс дастурига юкланади. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги айрим объектлар негизда лойиҳа қиймати 1 миллион долларгача бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади.

Сув омборлари ижарага берилади



«Балиқчилик ҳўжалиги эҳтиёжлари учун сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш

ҳамда балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра:

- давлатга тегишли табиий ва сунъий сув ҳавзалари (сув омборлари) — балиқни саноат усулида етиштириш, овлаш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар учун;
- табиий ва сунъий сув ҳавзалари (сув омборлари) ҳамда дарё атрофидаги кишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари

Умрага юборувчи фирмалар рейтинги тузилади



Ҳукуматнинг «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда зиёратчиларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Туризм қўмитаси Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда 2023 йил 1 октябрдан бошлаб «Умра» хизматларини кўрсатувчи туроператорлар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этиши керак.

Рейтингдаги «Умра» хизматларини кўрсатувчи туроператорларнинг ўрни жамоатчилик томонидан очик овоз бериш, ушбу ташкилотлар хизматларидан аввал фойдаланган фуқаролар (сайёҳлар) билан ўрнатилган қайта алоқа (жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали) натижаларига кўра аниқланади.

БИЛАСИЗМИ?

Тилхат шартнома ўрнига ўтадимиз?

Қарз бераётганда уни оддий ёзма шартнома билан расмийлаштириш керак, бу кейинчалик юзага келадиغان муаммоларни Сизнинг фойдангизга ҳал қилишга ёрдам беради. Қарзнинг миқдори 3 млн. 300 минг сўмдан (БҲМнинг 10 баравари) кўп бўлса, ёзма шартнома тузилиши мажбурий.

Қарз олувчи ёки берувчининг бири юридик шахс бўлганида эса, қарз миқдоридан қатъи назар ёзма шартнома тузилиши керак. Ҳеч бўлмаганда, қарз олувчидан тилхат олиш ёки қарз берилганлигини тасдиқлайдиган қандайдир ҳужжат бўлиши керак, масалан товарни ёки пулни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси. Бунда тилхат ёки юқорида айтилган бошқа ҳужжат ёзма шартноманинг

ўрнини босади.

Қарз миқдори 3 млн. 300 минг сўмдан ортиқ бўлганда ёзма шартнома тузилмаса, тарафларнинг битими ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади. Битимнинг ҳақиқий эмаслиги эса тарафларга ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди. Яъни қарзни тўламаса, қарз олувчига қонуний томондан ҳеч қандай чора кўриш мумкин бўлмайди.

Қарз олувчи қарзини шартномада кўрсатилган муддатда ва тартибда қайтариши шарт. Қарзни қайтариш муддати шартномада кўрсатилмаган бўлса, қарздор уни қарз берувчи қарзни сўраганидан бошлаб 30 кунда қайтариши керак. Қарз вақтида тўланмаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ўша ҳудуддаги банк ставкаси бўйича фоиз тўланади. Агар шартномада бошқача фоиз назарда тутилган

бўлса, шарномадаги миқдор қўлланилади. Масалан, банк фоизи 14 бўлса, шартномада 20 кўрсатилса, 20 фоиз қўлланилади.

Қарзни бўлиб-бўлиб қайтариш белгиланган бўлса, қарздор навбатдаги тўлов муддатини бузса, қарз берувчи қарзнинг қолган барча қисмини фоизлар билан муддатидан олдин қайтариши талаб қилишга ҳақли.

ҲОЛАТ

Мажбурий меҳнат нима? Ҳашар мажбуриймиди?

Жасурбек НАСРУЛЛАЕВ,
Шофиркон
туманидаги
«Куйи чуқурак»
маҳалласи раиси:

— Кўп ҳолларда маҳаллада ҳашар йўли билан ободонлаштириш ишларини амалга ошираемиз. Бироқ айрим вазиятларда «бу ишимиз мажбурий меҳнат эмасмикан», деган хавотир бўлади. Айтингчи, қандай иш-ҳаракатлар мажбурий меҳнат ҳисобланадиган қандай ҳаракатлар ҳисобланмайди? Ҳашарда иштирок этиш мажбурийми? Мажбурий меҳнат учун қандай жавобгарлик бор?



Муроджон НАЖМИДДИНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Меҳнат кодексига кўра, бирор-бир киши жазо қўллаш билан кўрқитиб, бошқа кишига унинг ихтиёрига қарши равишда ҳар қандай ишни ёки хизматни қилдириши мажбурий меҳнат саналади. Жазо деганда, кишини унинг иродасига қарши ишлатишга мажбур қиладиган ҳар қандай моддий, жисмоний ёки руҳий таъсир чораларини қўллаш ёки қўллаш билан таҳдид қилиш тушунилади. Масалан, иш ҳақини камайтириш (ёки ушлаб қолиш), лавозимини тушириш, иш шароитларини ёмонлаштириш ёки ишдан ҳайдаш билан кўрқитиш.

ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАР МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ҲИСОБЛАНДИ?

Мажбурий меҳнатнинг кенг тарқалган кўринишлари сифатида пахта териш ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига, ободонлаштириш, қурилиш, таъмирлаш ишларига, навбатчиликка жалб этиш, иш вақтидан ташқари ортиқча ишлатиш, металл чиқиндилари ва макулатура топширишга мажбурлаш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Масалан, пахта йиғим-терими яқин йилларга қадар меҳнатга мажбурий жалб этиш йўли билан амалга оширилган эди. Бунда нишонга, асосан, бюджет ташкилотлари, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари тушарди. Топширилиши лозим бўлган кунлик нормалар белгиланиб, ушбу миқдорда пахта тера олмаганлар жамоа олдида изза қилинар, бунга истамаганлар эса ўз маблағлари ҳисобидан бошқалардан пахта сотиб олиб, «кунлик нормани ёпиш»га тўғри келар эди.

Аммо кўп ўтмай мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати-га бўлган муносабат ўзгарди. Жумладан, Ҳукуматнинг «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан фуқароларни, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, ўқувчилар ва талабаларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш қатъий тақиқланди. Шунингдек, мажбурий меҳнатга жалб қилиш учун маъмурий ва жиноий жазолар кучайтирилди.

ҚАНДАЙ ИШ-ҲАРАКАТЛАР МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ҲИСОБЛАНМАЙДИ?

Ўзбекистонда мажбурий меҳнат тақиқланган. Аммо қонунчиликда айрим турдаги иш-ҳаракатларга мажбурий меҳнат сифатида қаралмайди. Хусусан, ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ билан боғлиқ ишлар, бажарилишига фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилиши сабаб бўладиган иш, суд қарорларини ижро этиш учун қонуний кучга кирган қарори бўйича жазо сифатида бажариладиган иш мажбурий меҳнат ҳисобланмайди.

Масалан, фуқаролар ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун муқобил хизматни ўташи мумкин. Шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, маҳкум ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилиниши мумкин.

ҲАШАР МАЖБУРИЙМИ?

Орамизда ҳашарда иштирок этмаган одамни топиш амримаҳол.

Маҳаллаларда, таълим муассасаларида ва ташкилотларда ташкил этилган ҳашарларда иштирок этаётган аксариятнинг ҳаёлидан, эҳтимол, шундай савол ўтади — ҳашар мажбурийми? Юқоридаги Ҳукумат қарорига кўра, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳашарлар фақат ихтиёрий тарзда ташкил этилади. Аммо бунинг учун умумхалқ ҳашарини ўтказиш бўйича Президент ёки Ҳукуматнинг тегишли ҳужжати қабул қилиниши керак. Ҳашарлар доирасида фақатгина ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш ишлари амалга оширилиши мумкин. Бошқа барча турдаги жамоат ишлари, шу жумладан, қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш тақиқланади.

Шунингдек, маҳаллаларда фақат тегишли маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, моддий-маданий мерос объектларини зарур ҳолатда сақлаш, қабристонларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда зарур ҳолатда сақлаш учун ҳашарлар ташкил этилиши мумкин. Бунда ҳам асосий аҳолининг ихтиёрий иштироки ҳисобланади. Иштирокчиларнинг



розилиги бўлган тақдирда ҳам автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тиғиз бўлган кўчалар, сув объектлари, қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, инсонларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғилиши юзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш тақиқланган.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР?

Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун ҳам маъмурий, ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, мажбурий меҳнат учун БҲМнинг 100 бара-варигача (33 миллион сўм) маъмурий жарима ва 3 йилгача ахлоқ тузатиш кўринишидаги жиноий жазо қўлланилади. Мажбурий меҳнатдан энг жабр чеккан тоифа — педагог ходимни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш БМХнинг 150 бара-варигача (49,5 миллион сўм) ва 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жиноий жазо билан жазоланади.

БИЛАСИЗМИ?

«Дом»да яшайдиганларга қандай субсидия берилади?

Кўп квартираларда яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга қонунчиликда енгилликлар берилган. Масалан, умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш мақсадларида уларга субсидиялар берилади. Хўш, субсидияни қандай олиш мумкин? У кимларга берилади? Қаерга мурожаат қилиш керак?

Турғун АЗИМОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими.

Қандай мақсадларда субсидия берилади? Субсидия умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш ҳамда кўп квартираларда уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш учун мажбурий бадални тўлаш мақсадларида ажратилади. Субсидия олиш учун ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирли уйларда яшовчи уй эгалари «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига киритилган бўлиши лозим.

Субсидия ажратилганлиги ҳақида қандай огоҳлантирилади? Субсидия ажратилганда, биллинг тизими орқали тегишли ой учун субсидия ажратилганлиги тўғрисида SMS-хабарнома юборилади. Туман (шаҳар) ҳокими субсидия учун зарур маблағлар тегишли молиялаштириш манбаларидан сарфланишини таъминлайди. Коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пули кимларга тўлаб берилади? Уй-жой-коммунал хизмат-

лар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пули пенсия ёки нафақа олмайдиган уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пули тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўланади. Компенсация пули 2022 йил 1 мартдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали фуқароларнинг пенсия ва нафақалар тўланадиган тартиби ва муддатларда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Мансурбек ЖАББОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий
газета

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Бахоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
7 910 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-918
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

